

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги - 31  
"Bioekosan" Республика ёшларининг ўқув-услугий мажмуаси  
Тошкент Давлат юридик институти

---

# ЭКОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

(ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ  
АСАРЛАРИДА ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ  
ЁРИТИЛИШИ)



Экологик таълим  
йўналишлари учун  
қўлланма

Тузувчилар: география фанлари доктори, ТДЮИ  
профессори А.Н. НИГМАТОВ

"Bіoekosan" директори Р.Н. СУЛТОНОВ

Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори,  
профессор М.Ҳ. РУСТАМБОЕВ

Муҳаррир: К. БЎРОНОВ

ISBN 5640-03160-3

Э 1903040000 - 94 - 2002  
M351(04)2002

© А.Н. НИГМАТОВ, Р.Н. СУЛТОНОВ, 2002 й.

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2002 й.

---

**"Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Бунини сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир".**

**И.КАРИМОВ**

---

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1997 йил 20 майда бўлиб ўтган ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда "Мустақиллик бу — аввало ҳуқуқдир", деган фикрни айтган эди. Чунки мустақиллик туфайлигина ўзбек халқи асрлар мобайнида орзиқиб кутган ҳуқуққа, яъни ўз моддий, маънавий, интеллектуал ва маданий бойликларини мустақил равишда тасарруф қилиш имконига эга бўлди. Шу билан бирга, гўзал диёримиз ва бой табиий бойликларимизни асраш, улардан келажак авлодлар олдидаги бурчимизни ҳис қилган ҳолда, оқилона фойдаланиш масъулияти ҳам бор.

Ҳеч кимга сир эмаски, чор Россияси, сўнгра, собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги йилларида бизнинг иқлим шароити қулай ва табиати гўзал юртимизда Менделеев даврий тизимидаги табиий моддаларнинг деярли барчаси мавжуд бўлса-да, юртимиз уларнинг ҳақиқий эгаси эмас эди. Бунинг сабаби Туркистон ўлкаси ва сўнгра

Ўзбекистонга доимо арзон хом ашё ўлкаси сифатида қараб келинганидир. Шунинг учун ҳам унинг табиатини сақлаш ва табиий бойликларидан асраб-авайлаб фойдаланиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди. Натижада эса Орол ва Оролбўйи каби бир қатор экологик инқирозли ҳудудлар юзага келди. Пахта яккаҳокимлиги мамлакатнинг ҳудудий сув тақсимооти ва ер ҳолатига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Охиروқибатда халқимиз экология соҳасида катта зарар кўрди.

Яратганга шукроналар бўлсинки, мустақиллик туфайли ўзбек миллий давлатчилиги қайта тикланди. Бу миллий қонунчилик тизминини яратиш, ўз Конституциямизни қабул қилиш, суверен давлат сифатида халқаро ҳамжамият томонидан тан олиншимиз ва, албатта, Президентлик институтини жорий қилишимизда намоён бўлди.

Президентимиз раҳбарлигида ўзига хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, Ҳамдўстликдаги бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, революцион йўл билан эмас, балки эволюцион йўл орқали босқичма-босқич амалга ошириш имконини бермоқда.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясида ифода этилганидек, "Президент — давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи" сифатида Ўзбекистон халқининг миллий хавфсизлигига кафолат берувчи шахсдир. Миллий хавфсизлик эса кенг қамровли тушунча бўлиб, экологик хавфсизлик унинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Шунинг учун ҳам XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Конституциямиз билан бир вақтда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бежиз эмас. Чунки дахлсиз чегаралар билан ўралган ер кенгликларига эга бўлиш ва ушбу ер кенгликларидаги барча табиий бойликларни ўз халқининг хоҳиш-иродасини акс эттирган тарзда муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мустақил давлатга хос белгилардан биридир.

Турли анжуман, йиғилиш ва учрашувларда экологик муаммолар тўғрисида сўз юритилганда, кўпинча Орол фожиаси мисол тариқасида тилга олинади. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳам БМТ Бош ассамблеясининг 48,50,55-сессиялари юқори минбаридан гапириб, Орол фожиаси миллий ёки минтақа-

вий тусдаги муаммо эмас, балки глобал тусдаги, бутун инсониятга тегишли экологик танглик эканини таъкидлаган эди.

Экологик муаммонинг бошқа миллий хавфсизликка таҳдиддан фарқи унинг "яширин" тарзда кечиши ва миллий-маъмурий чегараларга бўйсунмаслигидадир. Шу маънода, Орол бўйидаги бугунги экологик ҳолат эртага нафақат Марказий Осиё, балки бутун Ер куррасининг табиатига салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам Президент Ислон Каримовнинг кўпгина асарларида экологик муаммоларга бевосита ёки билвосита тўхтаб ўтилган.

Азиз китобхон, бугунги кунда мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари — барча таълим ва тарбия муассасаларида у ёки бу кўринишда экологияга доир фанлар ўқитилмоқда. Ҳатто боғчаларда ҳам болаларга экология масалаларига оид илк тушунчалар берилмоқда.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг экологияга оид фикрлари жамланган, яъни асарлари ҳамда маърузалари, нутқлари ва суҳбатларидан шу мавзуга оид парчалар келтирилган. Қўлланма жамиятимизда экологик маданиятни шакллантириш, одамлар қалбида она табиатга муҳаб-

бат, атроф муҳитни асраб-авайлаш каби олижаноб туйғуларни тарбиялашга хизмат қилади, деган умиддамиз.

***Асқар НИГМАТОВ***



## ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ: МУАММОЛАР ВА РЕЖАЛАР

*(XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3  
июлда сўзлаган нутқидан)*

СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти собиқ Иттифоқ кўлида эди. Собиқ Иттифоқ бу ердаи маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди (3-бет).

Бугунги кунда ҳам халқни яқдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар! (15-бет).

*Ўзбекистон: миллий истиқлол,  
иқтисод, сиёсат, мафкура.  
Т. 1-Т.: Ўзбекистан, 1996.3—15 б.*

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» АСАРИДАН

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди (36-бет).

Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларни ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди (39-бет).

Ўзбекистон республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга. Ер бағрининг ғоят қимматли минерал хом ашёларга бойлиги чуқур таркибий ўзгартишларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини бермоқда. Шу жиҳатдан халқ хўжалигининг асосан хом ашё етиштиришга йўналтирилганлигини бартараф этиш ва шу

сабабли иқтисодиёт тузилмалари ҳаддан ташқари бир томонлама ривожланганлигига, собиқ марказ ўтказиб келган яккаҳокимлик сиёсатининг натижаси бўлмиш қарамликка, яъни технология ва ресурс жиҳатдан бошқа республикаларга қарам бўлиб қолишга барҳам бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда (43-бет).

Орол бўйидаги экология фалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизини қутқариш бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш минтақалараро ҳамкорлик доирасида алоҳида аҳамиятга эга. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатларининг самарали ҳамкорлиги чегарадош мамлакатлар, аввало муслмон Шарқи мамлакатлари билан қўшма лойиҳаларни бирмунча муваффақиятли равишда рўёбга чиқаришга ҳам кўмаклашади (56-бет).

Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама — хом ашёвий йўналишига қатъий барҳам бериш республика ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси ҳисобланади. Фақат хом ашё етиштирувчи ва сотувчи ўлка сурункали ночорликка гирифтор бўла-

ди. Асосий вазифа — халқ хўжалигини чуқур таркибий қайта қуришни амалга оширишдир. Барча ресурсларимизни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берувчи тузилмани вужудга келтириш бизнинг мақсадимиздир (74-бет).

Яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бир-биридан ажралмасдир (79-бет).

*Ўзбекистон: миллий истиқлол,  
иқтисод, сиёсат, мафкура.  
Т.1-Т.: Ўзбекистон, 1996. 36—85-б.*

## **ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши  
XI сессиясида 1992 йил 8 ва 10 декабрда  
сўзлаган нутқидан)*

Яна бир масала — қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш ва унга кўпроқ ёрдам бериш, ерни ўзлаштириш масаласидир. Бир депутатимиз: "Ернинг унумдорлигини ошириш зарур бўлиб турганда янги ерларни ўзлаштириш керакми-йўқми?" деган савол берди. Мен ёзиб олдим. Бу муаммо, ал-

батта, ва унга икки хил қараш мумкин. Менинг шахсий фикримча, ернинг унумдорлигини ошириш зарур. Бу қуруқ гап бўлиб қолмаслиги керак. Амалда ернинг унумдорлигини оширадиган деҳқон бўлиши керак. Шаҳарда ўтириб унинг унумдорлигини ошириб бўлмайди. Қанчадан-қанча миллионлаб, миллиардлаб пуллар керак бунинг учун. Шу нуқтаи назардан қараганда қанақадир тўсиқлар борки, бизлар шуни ҳисобга олиб, ҳисоб-китобини қилиб айтаяпмизки, Ўзбекистоннинг халқини боқиб учун барибир янги ерларни ҳам ўзлаштиришимиз керак. Аввало, ернинг унумдорлигини реконструкция қилиб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан ошириш. Шу билан бирга янги ерларни ўзлаштириш керак. Бу муаммо билан боғлиқ яна битта сиёсий масала бор. Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасида жойлашган. Ўрта Осиёда эса иккита дарё бор. Амударё ва Сирдарё, уларнинг сувлари ўзлаштириб бўлинган. Эртага бизларнинг қўшниларимиз қандай йўл тутишларини билмадим-у, лекин бизлар ҳаммамиз дўстона халқлармиз. Ўрта Осиё минтақасида яшаймиз. Бир томондан Тожикис-

тон, иккинчи томондан Қирғизистон сувнинг бошида турибди. Бу муаммолар тўғрисида бизлар келишиб олишимиз керак, албатта. Ҳозир Ўзбекистонда ўн ярим миллион гектар ўзлаштирилган ер бор. Шу жумладан 4,5 миллион гектар — бу суғориладиган ерлар. Ўзбекистонда яна ўн миллион гектар ерни бемалол ўзлаштиришга имконият бор. Шу нуқтаи назардан қараганда бизлар ўз юртимизда сувдан оқилона фойдаланишимиз керак. Ўзбекистоннинг халқи тез ўсяпти. Келажакни ўйлаш керак, бир йил олдинни эмас, 10-20 йил олдинни ўйлашимиз керак. Мавжуд ерлар унумдорлигини ошириш, янги ерлар очиш устида ўйлашимиз керак (133—134-бетлар).

*Ўзбекистон: миллий истиқлол,  
иқтисод, сиёсат, мафкура.  
Т.1-Т.: Ўзбекистон, 1996. 104—139-б.*

## ЎЗБЕКИСТОН – УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

*(Швейцариядаги "Форум фонд" халқаро  
иқтисодий ташкилотининг IV сессиясида  
1993 йил 18 июнда сўзлаган нутқидан)*

Орол муаммоси мамлакатимизга ёки Марказий Осиёгагина тааллуқли бўлиб қолмай, жаҳоншумул муаммо ҳамдир. Орол бўйидаги экология вазиятининг мушкуллашуви оқибатда бутун ер куррасига таъсир қилиши мумкин. Бизга берган ёрдамлари учун Олмония ҳукуматига, турли мамлакатлардаги ҳукуматларга қарашли бўлмаган бир қанча ташкилотларга ташаккур билдирмоқчимиз. Шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятининг куч-ғайратларини бирлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу кулфат эртага бундан ҳам мусибатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин (253-бет).

*Ўзбекистон: миллий истиқлол,  
иқтисод, сиёсат, мафкура.  
Т.1-Т.: Ўзбекистон, 1996. 247–254-б.*

**БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ  
48-СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН  
(1993 йил 28 сентябрь)**

Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади (55-бет).

*Биздан озод ва обод Ватан қолсин.  
Т.2-Т.: Ўзбекистон, 1996. 47—57-б.*

**ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ —  
ФАРОВОНЛИК МАНБАИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси йиғилишида 1997 йил  
18 февралда сўзлаган нутқидан)*

Бизни боқадиган — мана шу ер, мана шу тупроқ. Унинг унумдорлигини оширишимиз



керак. Бунинг учун эса, энг аввало, суғо-  
риладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати-  
ни яхшилашни, ирригация ишларини ус-  
тувор мақсад деб қарашимиз шарт (161-бет).

*Биздан овоз ва обод Ватан қолсин.  
Т.2-Т.: Ўзбекистон, 1996. 158—174-б.*

## **ТАРИХИМИЗ ҲАМ, КЕЛАЖАГИМИЗ ҲАМ МУШТАРАК**

*(Ўзбекистонда Қозоғистон кўнларининг  
очишига бағишланган тантанали  
йиғилишда 1994 йил 23 майда сўзлаган  
нутқидан)*

Халқларимизнинг энг оғир, азобли дар-  
ди — Орол фожиасидир. Бу муаммо ўзбек-  
лару қозоқлар ҳаёти ва тақдирига бевоси-  
та алоқадорлигидан ташқари, оламшумул  
аҳамият касб этмоқда. Орол бўйи, унинг  
бойликлари, Сирдарё ва Амударё саховат  
билан инсонларга ҳадея этган инъомлар ил-  
гари собиқ Игтifoқники бўлгани барчан-  
гизга яхши маълум.

Афсуслар бўлсинки, Оролбўйининг неъ-  
матларини барча "ягона совет халқи" би-  
лан баҳам кўрган бўлсак, унинг "аччиқ ме-

ва"си — Орол ва Оролбўйи фожиаси, бу ҳалокатнинг экологик оқибатлари, ҳалокатдан қутулиш йўлларини қидириш — ёлғиз ўзимизнинг, Марказий Осиё халқларининг иши бўлиб қолди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, асрлардан бери бу улуг дарёларимиздан сув ичиб келган ва бутунги кунда ҳам ичаётган қардош халқларимиз бу ўта машаққатли муаммони ҳал қилишга биргалашиб киришди. Давлатларимиз бу йўлда ташлаётган муҳим қадамлар барчангизга яхши маълум (239-бет).

*Биздан озод ва обод Ватан қолсин.  
Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 233—242-б.*

## **БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК**

*(Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик  
кенгашига (ЕХХК) аъзо мамлакатлар  
бошлиқларининг Будапештда бўлиб ўтган  
конференциясида 1994 йил декабрда  
сўзлаган нутқидан)*

ЕХХК экология муаммоларига эътиборни кучайтириши зарур, деб ҳисоблайман.

Бу муаммолар ҳозирги замонда айрим миллатлар муаммосигина бўлиб қолгани йўқ. Орол денгизи фожиаси барчага маълум. Бу фожа инсонлар соғлиғига таъсир кўрсатмоқда, бундан ташқари, номақбул ирсий ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ҳодиса минтақавий доирадан чиқиб, умумзамин муаммосига айланганига анча бўлди. У бугунги кунда бутун Евроосиё минтақасидаги муҳит мувозанатини жиддий тарзда бузмоқда.

Мен яна бир карра жаҳон ҳамжамиятини ЕХҲК сингари нуфузли ташкилот раҳбарлигида Орол муаммоси билан амалий равишда шуғулланишга, табиат ва бутун-бутун авлодлар саломатлигини сақлаб қолишга даъват этаман (331-бет).

*Биздан озод ва обод Ватан қолсин.  
Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 327—331-б.*

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ- ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

*(Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг I чақириқ I сессиясида  
1995 йил 23 февралда сўзлаган нутқидан)*

Табиат ресурслари аслида ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланса ҳам, саноати юксак ривожланган мамлакатлар бу бойликларни назорат қилишни ўз қўлларига олишга интилмоқдалар.

Қолаверса, илмий ва техникавий билимлар, шунингдек, илғор технологиялар соҳасида, эркин сармояни тўплаш ва жойлаштириш соҳасида ҳам жуда катта тафовутлар мавжуд.

Дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашига бевосита хавф-хатар мавжуд. Яъни ялпи ядро уруши хавфи анча камайган бўлса ҳам экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи ҳамон таҳликали ҳолатда сақланиб қолмоқда (43—44-бетлар).

Учинчи тарафдан, Ўзбекистон қулай табиий-иқлим шароитига эга. Бизда қадимий деҳқончилик маданияти ва бой минерал-хом ашё ресурслари бор. Республика озиқ-овқат билан ўзини-ўзи таъминлашга, техника экинларининг энг қимматли турларини, пахта толаси етиштириш ва экспорт қилишга, шунингдек, жаҳон бозорига юқори сифатли, экологик жиҳатдан соф, рақобатга бардошли мева-сабзавот маҳсулотларини чиқаришга ҳамда уларни қайта ишланган ҳолда етказиб беришга қодир (45-бет).

*Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.  
Т.З.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 3—54-б.*

## **МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРДАН ЖАҲОНШУМУЛ МУАММОЛАРГА**

*(Дания пойтахти Копенгагенда ўтган  
халқаро конференцияда 1995 йил  
12 мартда сўзлаган нутқидан)*

Улкан ижтимоий муаммоларни самарали минтақа механизмларини яратиш йўли билан ҳал этиш зарур. Минтақа муаммоларини ҳал этиш орқали жаҳоншумул муам-

моларни ҳал этишга ўтиш керак.— Бу фикрни ана шундай баён қилиш мумкин.

Мен биринчи навбатда Орол денгизи фожиасини ана шундай жаҳоншумул муаммолар қаторига қўяман. У экология, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан XX асрдаги энг катта фалокатлардан биридир.

Сўнгги бир неча йил ичида денгизнинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, сувдаги минераллар миқдори тўрт бараваргача кўпайди, ҳозирнинг ўзидаёқ 2 миллион гектар экинзорлар нобуд бўлди, чанг бўрони таъсири 500 километр ва ундан ҳам олисга етмоқда.

Орол фожиаси натижасида вужудга келган санитария вазияти фақат марказий Осиёда яшайдиган 60 миллион кишининг саломатлигига ва зурриётигагина таъсир қилиб қолаётгани йўқ. Бу вазият атроф муҳит мувозанатини, бутун Евроосиёдаги эпидемиология вазияти ва ижтимоий вазиятни бузмоқда.

Бу муаммонинг умумбашарий тусда эканини ҳисобга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол бўйича махсус комиссиясини тузиш, шу муаммо бўйича БМТ раҳбарлигида хал-

қаро конференция ўтказиш ташаббускори бўлди (58-бет).

*Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.  
Т.З.Т.: Ўзбекистон, 1996. 55—59-б.*

## **МАЪНАВИЙ БИРЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ**

*(Бишкекда туркий тилли давлатлар  
бошлиқларининг учрашувида 1995 йил  
августда сўзлаган нутқидан)*

Ер куррасининг кўпгина минтақалари каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёслардаги экологик офатларга дуч келяпти. Аввало, бу Орол денгизи фожиасига тааллуқлидир. Орол атрофидаги экологик вазият ўз кўламлари ва эҳтимол тутилган оқибатларига кўра минтақавий эмас, балки кўпроқ жаҳоншумул муаммодир. Шу муносабат билан биз БМТнинг Орол бўйича конференциясига катта умид боғляймиз. Конференция шу йил сентябрь ойи охирларида Нукусда бўлиб ўтади ва ҳаммани унинг ишида фаол қатнашишга таклиф этамиз (163-бет).

*Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.  
Т.З.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 160—165-б.*

## «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА» АСАРИДАН

Ўзгариб бораётган жўгрофий-сиёсий структурада Ўзбекистоннинг роли ортиб бормоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларидаги шерикларимиз ҳам, шунингдек, биз тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган обрўли халқаро ташкилотлар ҳам ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг фикри билан, унинг нуқтаи назари билан ҳисоблашмоқдалар. Ўзбекистоннинг тинчлик ўрнатишга қаратилган изчил сиёсати натижасида унинг Марказий Осиё минтақасидаги осойишталик ва барқарорликнинг кафили сифатидаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда (175-бет).

Бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи-негизи — ерга мулкчилик масаласидир. Ер — ўлкамизнинг энг асосий бойлиги. У едиради, ичиради, яшаш учун асосий шартшароитларни яратиб беради. Шу сабабли республиканинг келажаги, Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ бўлади.



Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш бўлди. Қишлоққа доир қабул қилинган фармонлар, "Ер тўғрисида"ги қонун қишлоқ хўжалигида муносабатларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ёзиб қўйилди (216-бет).

Агар 1990 йилда бир гектар суғориладиган янги ерни ўзлаштириш учун 6,5 минг рубль ва илгаридан суғориб келинган бир гектар ерни қайта ўзлаштириш учун 5,0 минг рубль талаб қилинган бўлса, ҳозирги вақтда харажатлар тахминан 14—15 баравар ошиб кетди. Равшанки, ҳозир бирорта ҳам фермер ирригация ва мелиорация ишларини мустақил амалга ошира олмайди. Фақат давлатгина мелиорация тармоғини лойиҳалашга, қуришга, ерларни шўр босиши, ботқоқланишининг олдини олиш масалаларини ҳал қилишга қодир. Бундан тегишли хулоса чиқарилди ва ҳозирги вақт-

да давлат мелиорация, ирригация, ерларнинг унумдорлигини ошириш дастурларининг ҳаммасини бажаришни ўз зиммасига олди ва шу тариқа давлатга қарашли бўлмаган хўжаликларга жуда катта мадад ва ёрдам кўрсатди (217-бет).

*Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.  
Т.З.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 175—366-б.*

## **МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИҚДАН ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК САРИ**

*(Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг  
50 йиллиги муносабати билан Бош  
ассамблеянинг махсус тантанали  
йиғилишида 1995 йил 24 октябрда  
сўзлаган нутқидан)*

Бу юксак минбарда туриб, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожа, бутун ер юзини қамраб оладиган биосфера, ўнлаб миллион кишиларнинг ҳаёт шароитлари, саломатлиги ва наслига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи муаммо тўғрисида гапирмай ўтолмайман (57-бет).

Ўзбекистон оммавий қирғин қуролини тарқатмасликни таъминлаш бўйича керак-

ли халқаро кафолатларнинг қабул қилиниши, ядро синовларини бутунлай тўхтатиш ҳақидаги шартноманинг тезда тузилиши тарафдоридир (58-бет).

*Бунёдкорлик йўлидан.*

*Т.4.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 56—59-б.*

## **МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК**

*(Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволарига 1995 йил 7 октябрда берган жавобидан)*

Минтақада юзага келган экологик вазият, Орол фожиаси... Қани, имкон бўлса, шу катта минбардан дунё ҳамжамиятига мурожаат қилишдан асло чарчамасдим: эй одамлар, эй халойиқ, эй жаҳон! Кучли давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари! Бугун биз — ўзбеклар, қорақалпоқлар, туркманлар, қозоқлар, шу минтақада яшаётган эллик миллиондан зиёд халқ бошидан кечираётган азоб-уқубатлардан огоҳ бўлинглар. Экологик офат зурриётимизга ҳам таъсир этиб, болаларимиз майиб-мажруҳ туғилаётганини сизлар билишларингиз

керак. Бугун биргалашиб олдини олмасак, эртага кеч бўлади, бу офат сизларнинг ҳам шўрингизни қуритиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кучли давлатлар, халқаро ташкилотлардан сармоя ундириб, Орол фожиасини бартараф этишга бошқош бўлиши, биз билан бақамти ҳаракат қилиши керак.

Аввало, шу минтақада яшаётган, Орол офатидан жабрланаётган бевосита бешта давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон халқлари ва раҳбарлари аҳил бўлишларини истардим. Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликка бағишланган семинар-кенгаш кунлари бешта республика раҳбари Орол бўйича бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишини мен ниҳоятда хоҳлаган эдим. Чунки шу ҳамфикрлик бўлмаса, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари олдида ким деган одам бўламиз! У ерда Америка Қўшма Штатлари вакиллари ўтирибди, Германия ва бошқа йирик давлатлар вакиллари ўтиришибди. Афсуски, дўстларимиздан бири бу йиғинда иштирок этишни ўзига лозим кўрмади. Орол фожиаси

нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг фожиаси эканлигини наҳотки бу дўстимиз тушунмаса?!

Танаси бошқа дард билмас, деган гап бор. Орол офатининг нималигини шу минтақада яшаётганлар, аввало, қорақалпоқлар яхши билишади. Биз меҳмондўст халқмиз. Ким бўлишидан қатъи назар, меҳмонни бошимизга кўтарамиз. Лекин улар ҳам тушунишсин-да. Энди шунчаки Оролни томоша қилиб кетиш, ҳамдардлик билдириш, тавсиялар бериш билан иш битмайди. Энди гап бошқача бўлиши керак. Нияти холис одам бу ерга келганда албатта ўзи билан ниманидир олиб келсин, ўзидан нимадир қолдирсин. Оролга оғзида эмас, амалда ёрдам берган кишигина инсоний бурчимни бажардим, дея олиши мумкин (70—71-бетлар).

*Бунёдкорлик йўлидан.  
Т.4.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 60—84-б.*

# ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК, ҲАМКОРЛИКСИЗ ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

*(ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида  
1996 йил 24 апрелда сўзлаган нутқидан)*

ЮНЕСКО — халқаро ташкилот сифатида бугунги кунда илм-фан, маданият ва маорифнинг миллий тизимларини бирлаштирган ҳолда, айти пайтда уларни жаҳон интеллектуал тараққиётининг интеграция тажрибаси билан бойитаётган, халқларни бутун инсониятнинг жуда бой маънавий мероси билан ошно қилаётган кўприкка айланган (331-б).

Ҳурматли Ижроия Кенгаши аъзолари!

Таклиф тариқасида эътиборларингизни турли минтақаларда экология муаммоларини ҳал этиш бўйича ишларни кучайтириш зарурлигига қаратмоқчи эдим.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё экология ҳалокатининг марказида туриб қолган. 60 миллиондан ортиқ киши бу ҳалокат оқибатларини бошидан кечирмоқда. Мен атроф муҳит билан стратегик хавфсизлик муаммоларининг ўзаро бир-бирига таъси-

рига яққол мисол бўлиб турган Орол фожиасини назарда тутяпман.

Бугунги кунда оламшумул аҳамият касб этаётган Орол муаммоси экология масалалари билангина чекланиб қолмаслигига менинг ишончим комил.

Бу, шунингдек, инсониятнинг бир-бирининг дардига шерик бўлиш ва ҳамкорлик қилиш қобилиятини синовдан ўтказадиган маънавий муаммо ҳамдир.

Бизнинг тажрибамиз экология ўлчовларини халқаро гуманитар сиёсатнинг муҳим мезонларидан бирига айлантириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Ҳалокатнинг оламшумул миқёсларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг жаҳон ҳамжамиятининг интеллектуал ва моддий-техник кучларини мана шу экология фожиасини ҳал этишга жалб қилишдаги ҳиссасини қутлайди. Биз атроф муҳит соҳасидаги таълим бўйича учинчи халқаро конференция ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз (337—338-бетлар).

*Бунёдкорлик йўлидан.*

*Т.А.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 331—339-б.*

## АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

*(Амир Темур таваллудининг 660  
йиллигига бағишланган халқаро илмий  
конференцияда 1996 йил 24 октябрдаги  
маърузасидан)*

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийни-  
гувоҳлик беришича, Амир Темур "Ободо  
чиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳа  
зое бўлишини раво кўрмасди".

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳон  
гирларни биледи. Уларнинг аксарияти фа-  
қат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи  
шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан  
машғул бўлган.

Унинг "Қай бир жойдан бир ғишт ол-  
сам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир да  
рахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктир-  
дим", деган сўзлари фикримизнинг дали  
лидир.

Энг муҳими, мазкур қурилишлар гео-  
рафияси биргина Туркистон билан чегар-  
ланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифати-  
да соҳибқирон қадами етган жойлардаги та-  
рихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.



Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбойжон ва Кобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суғориш иншоотларини қурдирган (187-бет).

*Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби.*

*Т.5.-Т.: Ўзбекистон, 1997.181—191-б.*

## **ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ**

***(Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида  
1996 йил 28 октябрда сўзлаган нутқидан)***

Биз ер — бебаҳо бойлик, деймиз. Вилоят деҳқонлари, соҳибкору боғбонлари бу ҳаётий ҳақиқатни яхши билишади. Ҳамма гап маҳаллий раҳбарларнинг ишни қандай ташкил этишида қолган.

Эътибор беринг: кейинги 3 йил ичида шўрланган ерлар 55 минг гектар кўпайди. Ўта кучли шўрланган майдонлар миқдори 2 марта ортди. Бу нима деган гап? Ўз илди-зига болта уриш, ўз ризқини қийиш эмасми?! (209-бет).

Вилоятдаги иқтисодий заиф хўжаликларга ҳукумат қарори билан йил бошида

ички ариқ, зовур ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ҳамда уларни тузатиш учун давлат ҳисобидан 60 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Бугунги кунга келиб, ана шу маблағнинг эндигина ярми ўзлаштирилган, холос. Бундай аҳволни қандай тушуниш мумкин (210-бет).

*Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби.  
Т.5.-Т.: Ўзбекистон, 1997.207—217-б.*

**«ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР  
БЎСАҒАСИДА: ХАВҒСИЗЛИККА  
ТАҲДИД, БАҲҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ  
ВА ТАРАҚҚИЁТ КАҒОЛАТЛАРИ»  
АСАРИДАН**

Инсоният, мамлакатлар ва халқлар ҳаётида XX аср поёнига етмоқда. Ишончим комилки, бизни — ҳозирги Ўзбекистонда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилигини тирикчилик ташвишлари — чин воқелик муаммолари билан бирга: "Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги — XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрни-миз қаерда ва қандай бўлади?" — деган саволлар ўйлантириши табиий.

Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим (31-бет).

Энг мураккаб саволлардан бири шуки, биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етјапмизми?

Хавфсизлигимизга таҳдид бўлиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз? Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомат қилаётган минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланишига нималар кафолат бўла олади?(32-бет).

Ўтган йилларнинг мантиқи бизни ҳозирги кунда учта асосий саволга мурожаат қилишга ундамоқда. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ.

Булар қуйидагилардир: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим? Барқарорлик-

ни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин? (34-бет).

Бизнинг назаримизда, экологик ва ядровий хавфсизлик муаммолари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз Марказий Осиё минтақаси ядровий қуроллардан холи ҳудуд деб эълон қилинишига эришмоқчимиз.

Орол денгизи фалокати ҳам жаҳон миқёсидаги улкан муаммодир. У дунёдаги анча мамлакатлар аҳолисининг манфаатларига дахлдор бўлиб, кўплаб миллатларнинг авлодлари учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин (39-бет).

Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Очиқ эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Аниқроғи, бу муаммо айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбаи, ўз мамлакатларининг келажагига, табиий бойликлари

сақланиб қолишига бефарқ қарамаган, бу ҳақда қаттиқ ташвиш чеккан одамларнинг эса "қалб нидоси" бўлиб келган.

Бироқ уларнинг виждонга, фуқаролик бурчига, ниҳоят, ақл-идрокка даъватлари тўралишиб кетган совет-партия амалдорларининг совуқ, ҳатто айтиш мумкинки, сурбетларча лоқайдлигига дуч келаверган. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Табиий ва минерал-хом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишига асосланган социалистик хўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш ғояси бутунлай ёт эди. Аксинча, бойликлардан бундай фойдаланиш икки тузумнинг иқтисодий мусобақасида мамлакатнинг асосий дастаги, экспорт имкониятларининг негизи бўлиб келди.

Иқтисодиётни ривожлантиришдаги бош мақсад экстенсив омилларга қаратилган эди. Табиийки, бундай шароитда яширин бойликлардан оқилона фойдаланишни тартибга соладиган, табиатнинг, атроф муҳит-

нинг ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган бирон-бир меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига арзимас даражада кам маблағ ажратиларди. Бу маблағ табиатга етказилаётган зарарнинг мингдан бир қисмини ҳам қопламас эди. Ўрмонлар ўйламай-нетмай, ваҳшийларча кесиб ташланар эди. Ёқилғи ва минерал-хом ашё захиралари реал эҳтиёж билан таққосланмаган ҳолда жуда кўп миқдорда қазиб олинганидан кўпчилик қисми қайта ишланмаган чиқитлар сифатида уюлиб ётар эди. Табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган баҳайбат саноат корхоналари фаол бунёд этилди. Натижада барча заҳарли ва зарарли саноат чиқиндилари улкан ҳаво кенгликларини, сув ҳавзаларини, ер майдонларини ифлослантирадиган бўлди. Ўз кўлами жиҳатидан беқиёс даражада катта гидроэнергетика лойиҳаларини рўёбга чиқариш, транспорт коммуникацияларини (БАМ, Турксиб каби темир йўлларни, автомобиль, нефть-газ магистралларини ва ирригация тармоқларини) бунёд этиш на-

фақат табиий захираларни қашшоқлаштирди. Бутун бошли аҳоли пунктларининг йўқ бўлиб кетишига, экологик мувозанат, иқлим, одамларнинг ҳаёт ва фаолият шароитларининг бузилишига ҳам олиб келди.

Бу муаммо сўнгги йилларда янада кескинлашди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган бир қанча мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига бетартиб суратда ўтиши, табиий ва минерал-хом ашё захираларидан фойдаланишда бошқарувнинг барҳам топгани, назорат қилинмаганлиги натижасида улар ташиб кетила бошланди. Ваҳшийларча қазиб олинди ва арзон нархларда экспорт қилинди. Айрим "янги бойваччалар" деб аталувчи ва коррупция домига илинган бутун-бутун гуруҳлар учун кўшимча фойда олиш манбаига айланди. Шу билан бирга, улар ўзларининг очкўз манфаатлари йўлида ҳозирги ва келгуси авлодларнинг экологик хавфсизлигини, саломатлиги ва фаровонлигини қурбон қилмоқдалар. Бениҳоя улкан моддий бойликлар, инсониятнинг ноёб ютуқлари виждонсизларча ўғирлаб кетилмоқда, йўқ

қилиб ташланмоқда. Бу билан бутун атроф муҳитга ҳам жуда катта зарар етмоқда, иқлим бузилмоқда. Энг ёмони эса бир неча авлод кишиларининг табиий ҳаёт ва фаолият шароитларига путур етмоқда.

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Бунини сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш — ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммага бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Бу хавфни анча кеч, 70-иилларнинг бошларидагина англай бошладик. Ўшанда мазкур масала дунё миқёсидаги тараққиётга бағишланган дастлабки Фарб модс иларида кескин қилиб қўйилган эди. Бу ҳол бами-



соли "бомба портлагандай" таъсир этди. Инсоният қандай хавф қаршисида турганлигини, атроф муҳитга инсон фаолияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол ҳис этди.

Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалик фаолияти, Рим клубининг "XXI аср йўли" деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди.

Мутахассисларнинг баҳолашларича, 2000 йилга бориб ўрмонлар эгаллаб турган майдон қуруқликнинг 1/6 қисминигина ташкил этади, ҳолбуки, 50-йилларда улар 1/4 қисми эгаллаган эди. Жаҳон океанининг сувлари ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин пасаймоқда. Жадал суръатлар билан юз бераётган урбанизация жараёнларини шаҳарларнинг асосий агломераци-

ялари энг йирик ифлослантириш манбаларига айланиб қолишига олиб келди. Таркибида олтингугурт қўш оксиди ва азот оксиди бўлган тузли ёмғирлар ёғиши кўпайди. Бунинг натижасида бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий захиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ миқдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл-саҳроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Бетўхтов давом этаётган қуролланиш пойгаси, атом, кимёвий қуроллар ва омма-

вий қирғин қуролларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва синаш инсоният яшайдиган муҳит учун жуда катта хавфдир.

Ҳозир, XXI аср бўсағасида, фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда.

Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўътадил атроф шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачонлар эътироф этган.

Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар

амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқларини экологик жиҳатдан зарарсиз технология ёрдамида ривожлантиришни таъминлаш имконига эга бўлинади. Маълумки, табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Бошқача айтганда, экологик вазият аста-секин ёмонлаша боради.

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фао-

лиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим.

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир.

Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга кўпол ва тақаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон — табиатнинг хўжайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар

ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланади. Уларни қирилиб кетиш, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди.

Афсуски, бу жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу ерда, мутахассисларнинг баҳолашича, жуда мураккаб, айтиш мумкинки, хавфли вазият вужудга келмоқда. Бундай вазият нимадан иборат?

*Биринчидан*, ернинг чекланганлигини ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Марказий Осиё шароитида ер Аллоҳ таолонинг бебаҳо инъомидир. У том маънода одамларни боқади, кийинтиради. Бевосита деҳқончилик билан боғланган оилаларнигина эмас, балки маълум бир тарзда қишлоқ хўжалиги билан алоқадор барча тармоқлар ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган республиканинг барча аҳолиси фаровон турмуш кечириши учун моддий негиз яратади. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажакини белгилаб берадиган омил ҳамдир. Бу ҳол Ўзбекистонда айниқса яққол намоён бўлмоқда, чунки ернинг иқтисодий ва де-

мографик вазифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Республиканинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Аини чоғда Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анча қисмини Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларига тўғри келадиган демографик юк ҳозирнинг ўзидаёқ ўта салмоқли. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб, 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади, ҳолбуки, бу рақам Қозоғистонда—6,1, Қирғизистонда—22,7, Туркменистонда—9,4 ни ташкил этади. Республикамизда ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозоғистонда—1,54, Қирғизистонда—0,26, Украинада—0,59, Россияда—0,67 гектар экин майдони тўғри келади. Барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшаётганлигини ҳисобга олсак, даядил айтиш мумкинки, бизнинг қишлоқ-

ларимизда инсоний захираларнинг нисбий ортиқлиги эмас, балки мутлақ ортиқлиги яққол кўзга ташланади.

Бизда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни шаҳарларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, янги корхоналар, муҳандислик ҳамда транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда. Шунини ҳисобга олсак, яқин йиллар ичида, ҳатто XXI аср арафасидаёқ ер захиралари билан таъминланиш муаммоси янада кескинлашиши мумкин.

XX аср охирида ерларнинг табиий равишда чўлга айланиши юқори даражада бо-раётганлиги етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни шитоб билан давом этаётганлиги бу муаммони янада кучайтирмоқда. Айни чоғда табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга, тупроқ нураши, шўрланиши, ер усти ва ер ости сувларининг сатҳи пасайиши ва бошқа ҳодисалар рўй бермоқда.

Илгари нурашга қарши чора-тадбирлар яхши олиб борилмаганлиги туфайли ша-



мол ва сув таъсирида смирилиш тупроқ-нинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу чора-тадбирлар жуда паст суръатларда ва сифатсиз олиб борилган. Ҳатто 80-йилларнинг охирида амалда бутунлай тўхтатиб қўйилган эди. Республикада 2 миллион гектардан ортиқ ер майдони ёки барча суғориладиган ерларнинг қарийб ярми бузилиш хавфи остида қолган.

Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан экологик муаммодир. Ерларни оммавий суратда ўзлаштириш, ҳатто шўрланган ва мелиорацияга яроқсиз йирик-йирик, яхлит майдонларни ишга солиш ана шунга олиб келди. Сўнгги 50 йил мобайнида суғориладиган ер майдони 2,46 миллион гектардан 4,28 миллион гектарга етди. Фақат 1975-1985 йиллар мобайнида 1 миллион гектарга яқин янги ер майдонлари ўзлаштирилди. 1990 йилга келиб суғориладиган ер майдони 1985 йилдагига қараганда 1,5 барабар кўпайди.

Экин майдонлари таркибида сўнгги вақтларга (1990 йилга) қадар пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллаган эди. Дунёнинг бирорта ҳам мамлакатада пахта монополи-

яси бу қадар юқори даражага кўтарилма-  
ганди. Бу ҳол ернинг кучсизланишига, туп-  
роқ унумдорлиги пасайишига, унинг сув-  
физикавий хоссалари ёмонлашувига, туп-  
роқнинг бузилиши ва нураши жараёнлари  
ортишига олиб келди.

Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғит-  
лар, гербицидлар ва пестицидларнинг  
қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам  
ўнлаб баравар ортиқ эди. Улар тупроқни  
дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларини  
ифлослантирди. Бундан ташқари, янги ер-  
лардан фойдаланишда зарур технологиялар-  
га риоя қилинмади. Ҳамма жойда пахта на-  
зоратсиз суғорилди. Тупроқнинг нами  
кўпайиб кетди. Бу эса унинг қайта шўрла-  
нишига олиб келди.

Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилар-  
и ва маиший чиқиндилар билан шиддат-  
ли тарзда ифлосланиши реал таҳдид туғ-  
дирмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарар-  
ли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат  
ва қурилиш материалларини сақлаш, та-  
шиш ва улардан фойдаланиш қоидалари-  
нинг қўпол равишда бузилиши ернинг  
ифлосланишига олиб келмоқда. Ундан са-

марали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда.

Фойдали қазилмаларни жадал қазиб олиш, кўпинча уларни қайта ишлашнинг технологик схемалари номукамаллиги кўп миқдорда ағдармалар, кул, шлак ва бошқа моддалар тўпланиб қолишига олиб келмоқда. Булар деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларни эгаллабгина қолмай, балки тупроқни, ер усти ва ер ости сувларини, атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларига ҳам айланмоқда. Республикада захарли чиқиндилардан фойдаланиш саноати эса ҳозирча яратилган эмас.

Ўзбекистон ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндилар ташланадиган 230 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ ахлатхоналари мавжуд. Уларда тахминан 30 миллион куб метр ахлат тўпланади. Улар асосан стихияли равишда, жўғрофий геологик-гидрогеологик ва бошқа шарт-шароитларни комплекс ўрғапмай туриб ташкил этилган. Уларда қаттиқ маиший чиқиндиларни зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш ибтидоий усуллар билан амалга оширилмоқда. Айниқса, республиканинг йирик шаҳарларида маиший чиқин-

диларни ишлатиш ва зарарсизлантириш соҳасида мураккаб вазият вужудга келган. Республикада ҳали-ҳануз маиший чиқиндиларни саноат усулида қайта ишлаш масаласи ҳал қилинмаган. Ягона Тошкент маиший чиқиндилар тажриба заводи 1991 йилдагина ишлай бошлади.

*Радиоактив ифлосланиш, айниқса, катта хавф туғдирмоқда.* Мойлисув (Қирғизистон) дарёсининг қирғоқлари ёқасида 1944 йилдан то 1964 йилгача уран рудасини қайта ишлаш чиқиндилари кўмилган. Ҳозирги вақтда қолдиқлар сақланадиган 23 та жой мавжуд. Бу ерларда селни тўсадиган тўғонларни маҳкамлаш ҳамда кўчки хавфи бўлган жойлардаги қияликларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш лозим.

Навоий вилоятидаги қолдиқлар сақланадиган жой ҳам экологик жиҳатдан хавфли ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив кумни шамол учуриши хавфи бор.

Шу сабабли Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишдаги ғоят муҳим вазифа ерларнинг ҳолатини яхшилашдан, тупроқнинг ифлосланишини камайтириш бўйича

чора-тадбирлар мажмуини оширишдан иборат. Бу ўринда гап энг аввало табиий захиралардан фойдаланишни тубдан яхшилаш ҳақида бормоқда.

*Иккинчидан*, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан ер усти сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар тарафлама инсон фаолияти таъсирига учрамоқда.

Суғориладиган ҳудудларда сув табиатининг бебаҳо инъомидир. Бутун ҳаёт сув билан боғлиқ. Зотан, сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тугайди. Шундай бўлсада, Марказий Осиёда сув захиралари жуда чекланган. Йилига 78 куб километр сув келтирадиган Амударё ва 36 куб километр сув келтирадиган Сирдарё асосий сув манбаларидир.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида Орол денгизи ҳавзасининг барча сув захираларидан тўла-тўқис фойдаланилмоқда.

Дарёлар оқими асосан Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Сув

захираларининг кўпчилик қисмидан Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини суғориш учун фойдаланилади. Шу муносабат билан минтақадаги барча давлатларнинг манфаатлари йўлида ҳамда экология талабларини, дарёлар дельтала-рида ва Орол денгизида мақбул ҳаётий шарт-шароитларни яратиш мақсадида бу ерларга сувнинг ўтишини таъминлаш зарур. Шу билан бирга Орол денгизи ҳавзасининг чекланган сув захираларини биргалашиб, келишган ҳолда бошқариш муаммосини амалий ҳал қилиш талаб этилади.

Минтақанинг яна бир муаммоси сувни муҳофаза қилиш ва тежаш тадбирлари мажмуини амалга ошириш зарурияти билан боғлиқдир. Бу тадбирлар сувнинг исроф бўлишини энг кам даражага келтириш мақсадида суғориш тармоғининг режими ва ўлчамларини суғориш техникаси билан мустаҳкам боғлашни ўз ичига олади. Эндликда коллектор-зовур сувларини ташлаб юборишни тартибга солиш, оқова сувларни дарё ва сув омборларига оқизишни батамом тўхтатиш зарур.

Сув захирларининг сифати энг муҳим муаммолардан биридир. 60-йиллардан бошлаб Марказий Осиёда янги ерлар кенг кўламда ўзлаштирилди. Саноат, чорвачилик комплекслари экстенсив ривожлантирилди. Урбанизация кучайди. Коллектор-зовур тизимлари қурилди ҳамда дарё сувлари суғориш учун муттасил юқори ҳажмларда олинди. Шу боис ҳавзалардаги сувнинг сифати тобора ёмонлаша борди.

Дарё сувларининг ифлосланиши экология-гигиена ва санитария-эпидемиология вазиятини, айниқса, дарёларнинг қуйи оқимларида ёмонлаштиради. Иккинчи томондан, дарё сувлари таркибида тузларнинг мавжудлиги Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёларнинг дельталарида тупроқнинг шўрланишини кучайтиради. Бу эса қўшимча мелиорация ишларини амалга оширишда, зовур тизимларини барпо этиш ва тупроқ шўрини ювишда яққол сезилмоқда.

Ўзбекистон ва қўшни минтақалар шароитида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аҳоли пунктларин.. одатдаги во-

допровод суви билан таъминлаш кўрсаткичи республикада фақат кейинги беш йилликнинг ўзида тахминан 1,5 баравар ортди. Шунга қарамай, ушбу муаммо долзарблигича қолмоқда. Ичимлик сув таъминоти манбаларининг ифлосланиши республикада, айниқса, Орол бўйида касалликка чаoliniшнинг юқори даражасига сабаб бўлмоқда.

*Учинчидан*, Орол денгизининг қуриб бориш хавфи ғоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплаб аҳоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида кенг кўламдаги фожиа — Орол ҳалок бўлишининг сабабига ҳам айланди. Яқин-яқинларгача чўлу саҳролардан тортиб олинган ва суғорилган янги ерлар ҳақида дабдаба билан сўзланарди. Айни чоғда ана шу сув Оролдан тортиб олинганлиги, уни "жонсизлантириб қўйилганлиги" хаёлга келмас-



ди. Эндиликда Оролбўйи экологик кулфат ҳудудига айланди.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Биз 20-25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлоднинг кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас эди.

1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10-11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилар эди.

1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи—32,5 метрга, сув ҳажми—400

куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баравар ортди.

Оролнинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди яхлит денгиз эмас, балки иккита қолдиқ қўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60-80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарёнинг дельталари жадал суръатлар билан бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта "қўлбола" қумли-шўрхок саҳрога эга бўлдик. Шамол Орол денгизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учириб кетмоқда.

Оролнинг қуриб қолган тубидаги чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. 80-йилларнинг бошларидан буён бундай тўфонлар бир йилда 90 кун давомида кузатилмоқда. Чанг-тўзон узунлиги 400 километр ва эни 40 километр майдонга етиб бормоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 300 километргача етмоқда. Мутахассислар бер-

ган маълумотларга қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15-75 миллион тонна чанг кўтарилади.

Буларнинг ҳаммаси Орол бўйи иқлимининг ўзгаришига олиб келди. 1983 йилдан бошлаб Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди. Соҳилнинг ҳозирги чизигидан йироқларда бўлган балиқчиларнинг қачонлардир қудратли флотилиясининг занг босган қолдиқларини, вайронага айланган балиқчилар посёлкаларини учратиш мумкин. Бўзқўл, Олтинқўл, Қаратма кўрфазлари йўқолди. Акпетки архипелаги қуруқлик билан қўшилиб кетди. Яйловлар ва ўтлоқлар йўқолиб бормоқда. Ҳудуд ботқоққа айланмоқда. Сувнинг тобора тақчиллашиб бораётганлиги ва сифати ёмонлашаётганлиги тупроқ ва ўсимлик қатламининг бузилишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида ўзгаришлар юз беришига, шунингдек, суғорма деҳқончилик самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Орол денгизининг қуриб бориши ва шу жараён туфайли Оролбўйи минтақасидаги табиий муҳитнинг бузилиши экологик фожиа сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз

бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки денгиздан анча наридаги бепоён ҳудудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтнинг ўзгариши — булар ана шу фожиа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Орол фожиасини 70-йилларнинг бошларида, жуда кечи билан 80-йилларнинг бошларида, денгизнинг сатҳи унчалик пасаймаган бир пайтда идора қилиш мумкин эди. Ҳозирги вақтда уни бошқариш жуда мараккаб бўлиб қолди. Кейинчалик эса бу жараён яна ҳам мушкуллашади ёки умуман бошқариб бўлмайдиган ҳолга келади.

Орол бўйида денгизнинг қуриб бориши муносабати билан халқаро, кенг қўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди.

Орол денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фожиа бу ҳавзада яшаётган барча халқларнинг дарду аламиндир.

Сув захиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг қўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақада-

ги давлатлар билан халқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади.

Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1993 йил март ойида Қизилўрдада бўлиб ўтган учрашуви ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги туртки бўлди. Бу учрашувда Орол денгизи танглигини ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи — Ижроия қўмитаси, шунингдек, Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди. Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил январида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувда Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч-беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди. 1994 йил март ойида Тошҳовузда бўлган учинчи учрашувда Давлатлараро Кенгашнинг ушбу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алматида бўлиб ўтган учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Оролни қутқариш Халқаро фондининг анча ишчан таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия қўмитаси тузилди.

Орол муаммосининг бутун кескинлигини, уни сақлаб қолиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Марказий Осиё республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида *Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларациясини* қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожланиш қоидаларига қатъий амал қилишни назарда тутди ва эътиборни қуйидаги ғоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратади:

— қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимига ўтиш;

— сув захираларидан фойдаланишнинг тежамли усуллари ишлаб чиқиш, суғоришда ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни қўллаш воситасида ирригациянинг самарадорлигини ошириш;

— минтақанинг табиий захираларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Пировард натижада Орол танглигини барқарор ривожланиш, бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, келажакда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастурни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш зарур.

*Тўртинчидан*, ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдиддир.

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннага яқин за-

рарли моддалар қўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингугурт қўш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини ўзини хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келди.

Атмосферада углерод йиғиндисининг кўпайиб бориши натижасида ўзига хос кен қўламдаги иссиқхона эффекти вужудга келади. Оқибатда Ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб кетади.

Арид минтақасида жойлашган Ўзбекистон Республикасида тез-тез чанг бўроларини қўзғатиб турувчи, атмосферада чанг-тўзонга чулғағувчи Қорақум ва Қизилқум саҳроларидек йирик табиий манбалар мавжуд. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида Орол денгизининг қуриб бориши туфайли чанг ва туз кўчадиган яна бир табиий манба пайдо бўлди.

80-йилларнинг бошларида қўшни Тоjikистонда алюмин заводи ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятига қарашли



кўплаб туманларида экологик жиҳатдан танг аҳвол вужудга келди. Завод атмосферага кўп миқдорда фторли водород углевод оксиди, олтингургурт газиде, азот оксидларини чиқариб ташламоқда. Водий туманнинг юқори қисмида, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасида жойлашган заводнинг чиқиндилари тоғдан водий тоғига эсадиган шамол билан ундан узоқларга, асосан республиканинг чегарадош туманлари — Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари ҳудудига тарқалмоқда.

Экологияга солинаётган хавф Ўзбекистон учун, умуман бутун Марказий Осиё минтақаси учун нақадар юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат ва давлат атроф муҳитни ҳимоя қилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда катта эътибор бермоқда. Атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги миллий тадбирлари бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томон-

лама ҳамкорлик қилиш иши билан кўшиб олиб борилмоқда. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг турли жиҳатларини тартибга солувчи кўплаб хилма-хил халқаро шартномалар ва битимлар тузилди.

Ўзбекистон МДХ давлат бошлиқларининг 1992 йил 8 февралда имзоланган Битимига мувофиқ тузилган МДХ мамлакатлари Давлатлараро Экология Кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. МДХ мамлакатларининг ана шу экология Кенгаши доирасидаги ҳамкорлиги аъзо давлатларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида келишиб олинган, мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайди.

Ҳозирги пайтда республикада истиқболга, яъни атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги бутун фаолият ана шу дастур асосида ташкил этилган. Дастурда республикада экологик вазиятни соғлом-

лаштириш, йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари кабиларда экологик кескинликка барҳам бериш йўллари белгиланган.

Экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш.

Қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, гўзани сугоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Коллектор-зовур сувларини дарёлар ва сув омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқава сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш зарур.

Саноат корхоналарида атмосферага, сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи

ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировад маҳсулот олгунга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш лозим.

2. Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор.

Республиканинг фойдали қазилмаларидан оқилона фойдаланиш — долзарб масала. У атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бош омилларидан биридир. Фойдали қазилмаларни олиш ва қайта ишлаш чоғида катта исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Бошланғич хом ашёдан тўлиқ фойдаланмаслик ҳоллари мавжуд. Эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни

жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва бутун бошли заводларни реконструкциялаш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан қараганда, тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг намини қочириш, сув чиқариш тadbирларини ва бошқаларни амалга ошириш) лозим.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генфондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги за-

мон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур.

6. Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатганлигини назарда тутиш лозим.

Халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш — биринчи даражали вазифадир.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги юқорида тилга олинган таъсирчан чора-тадбирларни рўйбга чиқариш яқин вақт ичидаёқ олдинги тизимдан ёш республикага мерос бўлиб қолган экология соҳасидаги кўпгина иллатлар, камчиликлар ва

хатоларни бартараф этиш имкониятини юзага келтиради. Шунингдек, кенг кўламдаги экологик танглик таҳдидини барҳам топтириш, республика аҳолиси, жисмонан соғлом ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ҳамда экология жиҳатидан мусаффо ҳаётий муҳит яратиш имконини беради (106—124-бетлар).

Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олиши лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақада *ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир*. Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аجدодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган.

Афсуски, охириги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимига жуда катта зарар етказилди. Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий

одоб-ахлоқ қоидалари унутиб юборилди. Бу қоидаларга кўра сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди.

Марказий Осиё халқлари исломдан олдинги маданиятининг табиатдан оқилона, уйғун фойдаланиш анъаналарини ўрганиш ва оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Одамларни дарёларнинг мусоффолиги ва тупроқ унумдорлиги ҳақида гамхўрлик қилишга даъват этган зардуштийлик айнан бизнинг заминимизда вужудга келганлиги тасодифий эмас. Бошқа таълимотлар — буддизм ва манихейлик ҳам табиатни авайлаб-асраш идеал жамиятга олиб борадиган энг муҳим йўллардан бири экапелигини тарғиб қилган. Инсон билан Табиатнинг уйғун муносабатлари тўғрисидаги ана шу ғоялар Мовароуннаҳрда мусулмон Уйғониш даврига жуда катта ҳисса қўшган Марказий Осиёдаги сўфийлик таълимотларида ҳам учраши тасодифий эмас.

Ўз вақтида голландлар табиатга оқилона яратувчилик муносабатида бўлишдан иборат ўз миллий моделларини амалга оши-



риб, денгиздан серҳосил ерларни ажратиб олдилар. Мана шу мисол биз учун чуқур рамзий маънога эга. Оролдаги экологик фожа туфайли денгизни қуруқликка эмас, балки қуруқликни денгизга айлантиришимиз керак бўлади (131—132-бетлар).

*Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.  
Т.6.-Т.: Ўзбекистон, 1998. 31—261-б.*

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ — ТЎКИН ҲАЁТ МАНБАИ**

*(Биринчи чақириқ Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлиси X сессиясида  
1997 йил 25 декабрда сўзлаган нутқидан)*

Шуни яхши биламизки, тупроқ ҳосилдорлигини сақламасдан, уни оширмасдан, ерга ўз вақтида ишлов бермасдан туриб, ер тирик вужуд сифатида талаб қиладиган барча зарур тадбирларни амалга оширмасдан яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Бусиз қишлоқ хўжалиги экинларидан узлуксиз юқори ҳосил олиш мумкин эмас.

Бироқ кейинги 10-15 йил мобайнида ерларнинг ҳосилдорлиги сезиларли даражада

пасайиши, унинг чарчаши, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ва шўрланган майдонларнинг кўпайиш ҳоллари вужудга келди. Бундай майдонлар суғориладиган ер фондининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Бу йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. *Айниқса, ер асосий миллий бойлик бўлган, халқ фаровонлигининг асосий манбаи бўлган Ўзбекистонда бу масала ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.* Шу билан бирга, ернинг ҳажми чегараланганини, сув етишмаслиги туфайли қишлоқ хўжалик оборотига кўшимча майдонларни қўшиш имкоияти чекланганини ҳам унутмаслигимиз керак (411-бет).

Ҳар бир экин ўз табиатига мос равишда тегишли агротехнологияга амал қилишни талаб этади. Бу тупроқни вақтида тайёрлашни ҳам ўз ичига олади. Бунга сифатли, тегишли равишда тайёрланган, юқори ҳосил берадиган уруғни белгиланган муддатларда экиш, ерга зарур миқдорда ва мутаносиб равишда минерал моддалар ва ўғитлар солиш, ўз вақтида суғориш ҳам киради. Бунда ўтоқ ва чопиқ қилишни, пахтачиликка эса дефолиацияни ҳам вақтида

ўтказишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Энг муҳими, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда ва побуд қилмасдан йиғиштириб олиш ҳам улкан аҳамият касб этади.

Ота-боболаримиздан қолган мақолларни ёддан биламиз, аммо, минг афеуски, уларга ҳаётимизда камдан-кам эътибор берамиз. "*Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда*", деган нақлга — ҳикматга нима учун риоя қилмаймиз?

Ахир ер узоқ кечикиш билан, баъзида янги йилнинг январь — март ойларида ҳайдалса, тупроққа етарли миқдорда минерал ва маҳалий ўғитлар солинмаса, юқори ҳосил ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Айниқса, экинларни суғоришни ташкил этишда кўп нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Меҳнатнинг яхши ташкил этилмагани тупроқ ҳосилдор қатламларининг эрозияга учрашига, камёб сувнинг ортиқча сарфланишига сабаб бўлмоқда (413-бет).

*Яна бир муҳим муаммо.* Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва минерал ўғитлардан кўр-кўрона фойдаланиш, уларни бевақт ва нотўғри ишлатиш, ортиқ-

ча сарфлаш нафақат кутилган самарани бермаяпти, аксинча, тупроқ ҳолатининг ёмонлашувига, атроф муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Одамлар соғлигига катта зарар етказмоқда. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун қишлоқ хўжалигини зарур минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари билан таъминланишни нафақат тубдан ўзгартириш, балки агрохимик қоидаларга қатъий амал қилишга талабчанликни ошириш, уларни қўллаш маданиятини юксалтириш лозим (415-бет).

*Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.  
Т.6.-Т.: Ўзбекистон, 1998.403—429-б.*

## **ҚОНУНЛАРИМИЗ ДЕҲҚОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН**

*(Биринчи чақириқ Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлисининг  
XI сессиясида 1998 йил 30 апрелда  
сўзлаган нутқидан)*

Аввало мана шу фурсатдан фойдаланиб, ҳозир қабул қилинган қонунларнинг шундай катта ҳурмат, катта қизиқиш билан

муҳокама қилинганидан мамнуният изҳор этмоқчиماи (36-бет).

Мен бу ҳолни мазкур ҳужжатларнинг ҳаётимизни ўзгартиришда, керак бўлса, тақдиримизни ҳал қиладиган масалаларни ечишда жуда катта аҳамиятга эгалигининг яна бир яққол тасдиғи деб биламан. Шу ўринда бир нарсага эътибор бердим. Бу тўртта қонунни, яъни Ер кодексини, Қишлоқ хўжалиги ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларни қабул қилаётганда биронта депутат қарши овоз бергани йўқ. Бу ҳам мен ҳозиргина айтган гапнинг далили. Сизлар ҳам шу масалаларни жойларда муҳокама қилаётганда, уларнинг бугунги ҳаётимиздаги аҳамиятини чуқур англаб, мана шу қарорларни ўз вақтида қабул қилаётганимизни яхши ҳис этганингизнинг далолати десак, хато бўлмайди (36-бет).

Яна бир муҳим масала. Ер ҳажми, сифати, нуфузи, шароити турлича бўлган вилоятларда ягона мезон билан ёндошсак, қош қўяман деб кўз чиқармаймизми?! Пайчиларга дивиденд бермоқчи бўлянимиз. Эртага ширкат хўжалигига айланадиган жа-

моа хўжалиги бойлигини қандай аниқлай-  
миз? Хўжаликнинг асосий бойлиги нима?  
Ер ва ерга ишлов берадиган ускуналар,  
тракторлар, бошқа техника турлари, имо-  
ратлар ва шунга ўхшаган қурилишлар. Амор-  
тизацияга қараб техника баҳосини белги-  
лаш мумкиндир, лекин ернинг баҳосини  
қандай аниқлаймиз? Андижонда ер қанча  
туради-ю, Сурхон ва Қашқадарё воҳасида  
қанча? Нафақат ер баҳоси, нафақат ер  
унумдорлиги, ер бонитети, балки бу ёқда  
одамлар нечоғли зич яшаётганини ҳисобга  
олган ҳолда, одамларга ер бўлиб беришда  
қандай меъёрларга амал қилиш керак? Буни  
алоҳида инобатга олмасдан қонунни ҳаётга  
татбиқ қилиб бўлмайди, деб ўйлайман. (38-  
бет).

*Биз келажакимизни ўз  
қўлимиз билан қураимиз.  
Т.7-Т.: Ўзбекистон,  
1999. 36—63-б.*

## **ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ УЧРАШУВИДА 1998 ЙИЛ 9 ИЮНДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН**

Орол фожиаси — инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири ҳисобланади. Орол муаммоси бугунги кунда, ҳақиқатан ҳам, умумбашарий муаммога айланган бўлиб, унинг биологик мувозанатнинг бузилишига таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ сезилмоқда, у жуда кенг ҳудудлардаги аҳоли ирсиятига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда.

Бироқ, шуни афсус билан эътироф этиш лозимки, кўп ҳолларда Орол фожиасининг мамлакатларимиз аҳолиси соғлиғи ва ҳаётига ҳалокатли таъсирини англашимиз бу фактни қайд этишдан нарига ўтмаяпти.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳозирги босқичда Марказий Осиё давлатлари учун миллий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўсиб келаётган авлодни ХХІ аср талаблари ва муаммоларига жавоб берадиган ҳолда ҳар томонлама тай-

ёрлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун халқаро тузилмаларнинг ресурс, имконият ва инвестицияларини жалб этиш — энг муҳим масаладир (81-бет).

*Биз келажакимизни ўз  
қўлимиз билан қурамыз.  
Т.7-Т.: Ўзбекистон, 1999. 36—63-б.*

## **ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 155-СЕССИЯСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ МАЖЛИСИДА 1998 ЙИЛ 6 НОЯБРДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН**

Ижозатингиз билан икки оғиз бизнинг ЮНЕСКО билан бундан кейинги ҳамкорлигимиз, муносабатларимизни ривожлантириш ва чуқурлаштириш истиқболлари ҳақида тўхталиб ўтсам (200-бет).

Бизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигимиз экологик муаммоларни ҳал этишда ҳам яхши самара бериши мумкин.

Бугун, XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик, инсон билан табиат муносабатларини тўғри йўлга солиш муаммолари ҳар



қачонгидан ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, бу муаммонинг ечилиши барча халқларнинг манфаатларига дахлдордир, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва ксалажаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, умуминсоният дардига айланди. Шу боисдан уни фақат халқаро ҳамкорлик асосидагина ҳал этиш мумкин.

Бунга инсоният тарихидаги энг катта экологик ва инсонлар ҳаётига дахлдор бўлган фожиалардан бири — Орол муаммоси ёрқин мисол бўла олади. Бир авлод кўз ўнгида бутун бир денгизнинг ҳалокатга юз тутиши ҳали тарихда бўлмаган.

Орол фожиаси минтақавий муаммодан умумбашарий фожа даражасига кўтарилди. Унинг таъсири бугуннинг ўзидаёқ экологик ва биологик мутаносибликнинг бузилишида, жуда катта ҳудуддаги аҳолининг генофондига хавф солаётганида яққол сезилмоқда.

Орол бўйида яшаётган аҳоли нафақат ўз ҳукуматлари томонидан бериладиган аниқ ва самарали ёрдамга, балки халқаро таш-

килотлар, бутун дунё ҳамжамиятининг кўмагига муҳтождир.

Биз ЮНЕСКО Бош директорининг *Орол денгизи муаммоси бўйича* бу ташкилотнинг *Халқаро илмий маслаҳат қўмитасини* ташкил этиш тўғрисидаги қарорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комилки, халқаро илмий ҳамжамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари Орол денгизи ҳавзасидаги сув-экология муаммоларини ҳал этишга амалий таъсир қилади (204-205-бет).

*Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.  
Т.7-Т.: Ўзбекистон, 1999. 193—206-б.*

**ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА  
КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО  
ВА АЛБАТТА, БАХТЛИ  
БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!**

*(Вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг  
ҳокимлари билан учрашувда 1998 йил 23  
декабрда сўзлаган нутқидан)*

Йил якунларидан ўзимиз учун сабоқ ва тегишли хулосалар чиқариб олишимиз даркор. Ислоҳотлар йўлидан олга боришимиз-

га нималар тўсиқ бўлаётганини билиб-англаб, қайси масалалар ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш, қайси йўналишларга алоҳида куч ва ресурслар сарфлаш лозимлигини апиқ-равшан белгилаб олишимиз керак (274-бет).

Илгари ҳам кўп маротаба гапирилган масалага яна қайтамыз — бу ернинг ҳосилдорлигини таъминлашдир. Мен бу масалани ерни парваришлаш, унинг маҳсулдорлигини таъминлаш, деб айтган бўлур эдим.

Агар биз ернинг ҳосил беришини хоҳласак, уни асраб-авайлашимиз шарт. *Ерни қанча эъзоласанг, у сенга шунча кўп ризқу насиба бераверади.* Мен бу ўринда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишни ҳам, сугориш ишларини ҳам, ўз вақтида ўғит солишни ҳам, дренаж-коллектор тармоқларини тозалашни ҳам назарда тутмоқдаман.

Бир сўз билан айтганда, бу агротехника ва юксак деҳқончилик маданияти демакдир. Бугунги энг долзарб масала экинлар селекциясини ташкил этиш, ирсий (генетик) жиҳатдан тезпишар, юқори ҳосилли ва касалликларга бардошли янги навларни

жорий этиш, хўжаликларни сифатли уруф ва кўчатлар билан таъмилашдир (288-бет).

*Биз келажагимизни  
ўз қўлимиз билан қураимиз.  
Т.7-Т.: Ўзбекистон, 1999. 274—293-б.*

## **МЕН ЎЗИМНИ НАФАҚАТ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ, БАЛКИ ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ҲАМ ФАРЗАНДИ, ДЕБ БИЛАМАН**

*(Қорақалпоғистон Республикаси  
сайловчилари вакиллари билан учрашувда  
1999 йил 2 декабрда сўзлаган нутқидан)*

Мен бундан ўн йил муқалдам — 1989 йили Ўзбекистон Республикасининг янги сайланган раҳбари сифатида Мўйноққа борган эдим. Орол фожiasi оқибатида рўй берган оғир экологик ҳолатга қарамасдан, туғилган ерига меҳри туфайли шу заминда сабот билан яшаётган Мўйноқ халқининг ҳаёти билан атрофлича танишдим. Ўшанда: "Шу одамларнинг оғирини енгил қилсам, армоним қолмас эди!" деган фикрни кўнглимга туғиб қўйган эдим (100-бет).

Биз барчамиз Қорақалпоғистон халқидан қийинчиликларга бардошли бўлиш ва

уларни еигиб, она заминни обод қилиб яшашни ўрганишимиз лозим. Шу юртда яшаётган халқнинг жасоратини тан олишимиз керак.

Ўзинглар айтинглар, азиз дўстлар, Орол фожиаси биринчи навбатда кимнинг бошига катта кулфат ва синов бўлиб тушди? Ким бу экологик офатнинг жабрини ҳаммадан кўра кўпроқ тортмоқда?

Албатта, бу фақат сиз билан бизнинг кулфатимиз эмас, балки Орол денгизи атрофларида яшайдиган қарийб 35 миллион бошқа халқларнинг ҳаётига ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган экологик таҳдиддир.

Кўпгина халқаро анжуманлар минбаридан, аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, Орол муаммоси — агар уни бартараф этиш чорасини кўрмасак, нафақат Марказий Осиё, балки Европа, қолаверса, бутун жаҳон ҳаво ҳудудини бузадиган, умумбашарий фожиага айланиши муқаррар, деб бежиз бонг ураётганимиз йўқ.

Кейинги йилларда биз бу минтақавий муаммога жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиш бўйича бир қанча муҳим тад-

бирларни амалга оширдик. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари ўртасида Орол муаммосига бағишланган Битим имзоланди, Давлатлараро Кенгаш ва Оролни қутқариш халқаро фонди ташкил этилди.

Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг Нукусда бўлиб ўтган иккинчи йиғинида қабул қилинган "Орол ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури" дастлабки самараларини бермоқда.

Бу муаммони ҳал этиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик қилинмоқда.

Лекин ҳали бу боралаги ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Орол фожиаси дунё миқёсидаги муаммо экан, уни ҳал қилишда жаҳон ҳамжамияти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро болалар фонди сингари нуфузли халқаро ташкилотларнинг фаол иштироки зарур (105—106-бетлар).

Орол фожиаси, Орол муаммоси сақланар экан, биз пафақат Қорақалпоғистон,

бутун Ўзбекистон ҳудудида ҳаётимизнинг барча-барча жабҳалари ва жараёнлари тараққиётини таъминлаш масалаларида бу фожиянинг таъсирини ҳар қаламда сезиб турамыз.

Ҳаммамиз бундан тегишли хулоса чиқаришимиз зарур. Лекин таассуф билан шуни тан олишимиз керакки, бугунги кунда нуфузли халқаро ташкилотларнинг бу муаммони ечиш учун керакли сармоялар ажратишида, халқаро жамоатчиликнинг эътибор ва имкониятларини бу масалага жалб қилишда биз ўз мақсадларимизга етиб борганимиз йўқ.

Аmmo шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, бу йўлда биз ҳеч қачон чарчамаймиз, бошлаган ишимизни охиригача олиб борамиз.

Айни вақтда ҳукуратимиз Қорақалпоғистон заминида яшаётган одамларнинг сиҳат-саломатлигини асраш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида белгиланган амалий ишларни давом эттирмоқда (105—106-бетлар).

*Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.  
Т.8-Т.: Ўзбекистон, 2000. 100—110-б.*

## ЖИЗЗАХ ХАЛҚИНИНГ ҚАЛБИДА ВА ДИЛИДА

*(Жиззах вилояти сайловчилари вакиллари  
билан учрашувда 1999 йил 9 декабрда  
сўзлаган нутқидан)*

Вилоят иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ, ҳаммамизни ўйлантириб турган қуйидаги муаммоларни ҳал этиш зарур.

*Биринчидан.* Вилоятдаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш. Бунда хорижий инвестициялар ва ички имкониятларимиздан фойдаланиш.

*Иккинчидан.* Ер ресурсларидан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалигида мулк шаклини ижобий самара берадиган асосда ўзгартириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш.

*Учинчидан.* Қишлоқ хўжалигидаги сув танқислиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мақсадида аниқ чоралар кўриш. Жумладан, 2001-2005 йиллар мобайнида Зомин сув омбори ҳавзаси ва Зарафшон



дарёсидан тортиладиган 213 километрлик минтақавий сув ўтказиш тармоғи қурилишини тугаллаш (120-бет).

*Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.  
Т.8-Т.: Ўзбекистон, 2000. 112—126-б.*

## **МАҚСАДИМИЗ — ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ**

*(Бухоро вилояти сайловчилари вакиллари  
билан учрашувда 1999 йил 15 декабрда  
сўзлаган нутқидан)*

Бухоро шароитида ҳар бир томчи сувнинг қадрига етиб, сув захираларидан тежаб-тергаб фойдаланишнинг самарали технологиясини қўллашни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Сув харажатини, сув сарфлашнинг ҳисоб-китобини жойига қўйиш ва бунда экинларга сарфланадиган сувни тежаш мақсадида рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш масаласи кун тартибида долзарб вазифа бўлиб турибди. Яъни оз сув сарфлаб, мўл ҳосил етиштириш борасида-

ги дунё тажрибасини ўрганиб, маҳаллий ша-  
роитга мослаб жорий этишимиз зарур.

Қадрли юртдошлар!

Ҳаммангиз биласизки, Бухорода одам-  
ларни анча вақтдан бери ташвишга солиб,  
қийнаб келаётган бир муаммо бор эди. У  
ҳам бўлса, ер ости сувларининг юзага кўта-  
рилиши натижасида ерларнинг шўрлани-  
ши ортиб бораётгани билан боғлиқдир.

Бу экологик хатар, аввало, экин май-  
донларини яроқсиз ҳолга келтирибгина  
қолмай, Бухоро вилоятидаги асрий обида-  
ларнинг, тураржой ва турли иншоотлар-  
нинг емирилишига сабаб бўлаётгани, энг  
ёмони, аҳоли саломатлигига салбий таъсир  
кўрсатаётганини яхши биламиз.

Агар ёдингизда бўлса, азиз дўстлар, бун-  
дан роппа-роса уч йил бурун — 1996 йил-  
нинг 15 декабрь куни — мана шу залда Сиз-  
ларнинг эътиборингизни бу масалага қара-  
тиб, бу хатарнинг олдини олиш учун зудлик  
билан зарур чора-тадбирлар кўриш лозим-  
лигини таъкидлаган эдим.

Бугун Сизнинг ҳузурингизда айтишим  
керакки, шундан сўнг ҳукумат миқёсида бу  
муаммонинг ечими ишлаб чиқилди ва бюд-

жетдан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Натижада ўтган давр мобайнида қарийб 7 минг километр узунликдаги зовурлар то-залашиб, 9 минг гектардан зиёд экин май-донининг тупроқ таркиби — мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Бу муаммони ҳал этиш учун Бухоро шаҳ-рида ҳам 169 миллион сўм маблағ сарфла-ниб, шаҳар ичидан ўтган, Сизлар "Сако-вич" деб атайдиган ёпиқ зовурлар тармоғи бутунлай қайта қурилди. Шу тариқа Бухо-ронинг беқиёс меъморий обидалари, бошқа кўп-кўп иморатлар шўр балосидан асраб қолинди.

Шуни қайд этиш лозимки, бу муаммо-ни бутун вилоят ҳудудида ҳал этиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бу 2005 йил-гача мўлжалланган ирригация-мелиорация тадбирларида алоҳида кўзда тутилган. Уни амалга ошириш учун куч ҳам, маблағ ҳам топамиз. Чунки инсон соғлиғи, инсон ҳаёти ҳамма нарсадан азиздир (144—145-бетлар).

*Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.  
Т.8-Т.: Ўзбекистон, 2000. 141—153-б.*

# **ФУРУРИ ТОҒЛАРИДЕК БАЛАНД, ЯРАТУВЧИЛИК САЛОҲИЯТИ ЮКСАК ХАЛҚ**

*(Сурхондарё вилояти сайловчилари  
вакиллари билан учрашувда 1999 йил  
25 декабрда сўзлаган нутқидан)*

Долзарб масала — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдир. Вилоятда 6 миң гектар экин майдони кучли шўрланган, сув таъминоти оғир, гектаридан атиги 8-10 центнердан пахта ҳосили олинаётган унумсиз ерлар ҳам мавжуд.

Аҳоли истиқомат жойлари, хусусан, қишлоқлар ичидан ўтган дренаж-коллектор ва зовурларнинг кўмилиб қолганлиги сабабли томорқа ерлар ҳам шўрланган. Натижада шахсий хўжаликлар олаётган ҳосилга ҳам путур етмоқда.

Тегишли ихтисослаштирилган сув қурилиши идоралари ва шунга қурби етадиган хўжаликларга янги экскаваторлар, дренаж ювиш техникалари сотиб олиш учун, керак бўлса, имтиёзли кредитлар ажратиш масаласини, албатта, кўриб чиқиш лозим, деб ўйлайман.

Хурматли Сурхон аҳли!

Маълумки, Тожикистоннинг Турсунозда шаҳридаги алюминий заводи экологик муҳитга жиддий зарар етказмоқда. Бунинг натижасида чегарадош туманларда қишлоқ хўжалиги экинлари, чорвачилик ривожини ва боғдорчилик ҳосили кескин пасаймоқда. Сарисийё туманида эса, умуман, пилла етиштириб бўлмади.

Ўзбекистон раҳбарияти ушбу муаммога жиддий эътибор қаратиб келяпти. Бизнинг саъй-ҳаракатимиз туфайли Тожикистон ҳукумати билан алюминий заводининг экологик ҳолатини яхшилаш юзасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиб, махсус дастур ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан шу йилнинг апрель ойида бу масала бўйича Сарисийё туманида халқаро анжуман ўтказилганидан хабардорсиз.

Афсуски, Тожикистондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият яқин вақтгача беқарор бўлиб келгани мазкур муаммони тезроқ ҳал этиш имконини бермади.

Тожикистон тарафини биргаликда керакли чора-тадбирлар кўришга фаол жалб

этиш, бу долзарб масалани узил-кесил ҳал қилиш — биз учун кечиктириб бўлмас вазифадир. Бу вазифани, албатта охирига етказиш устида иш олиб борамиз (266—267-бетлар).

*Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.  
Т.8-Т.: Ўзбекистон, 2000. 257—271-б.*

## **ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ТИНЧЛИК, МИЛЛАТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ТОТУВЛИГИНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАЙЛИК**

*(Тошкент вилояти сайловчилари  
вакиллари билан учрашувда 1999 йил 29  
декабрда сўзлаган нутқидан)*

Яна бир масала — вилоятдаги экология муаммоси ҳақида тўхталиб ўтиш шарт, деб ўйлайман. Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида ҳавонинг ифлосланиш даражаси меъёрдан юқори. Воҳанинг асосий сув артерияларидан бири бўлган Чирчиқ дарёси корхона ва хонадонларнинг чиқинди сувлари билан ифлосла-

ниб бораётгани ғоят ачинарлидир. Ўзингиз айтинг, биродарлар, ҳаёт манбаи бўлган, ҳар томчи суви олтинга тенг Чирчиқдек дарёга бундай муносабатда бўлиш ношукурлик, гуноҳи азим эмасми?

Республика ҳукумати 2005 йилгача бўлган даврда атроф муҳит муҳофазаси бўйича Миллий дастур қабул қилганидан хабарингиз бор. Унда вилоят экологик муаммоларини ҳал қилиш йўллари ҳам аниқ кўрсатиб берилган.

Вилоят раҳбарияти ва жамоатчилик ушбу дастурнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиши керак. Айни пайтда атроф-муҳит ва оқар сувларни ифлос қилганлик учун жавобгарликни ошириш, қонунни бузаётган корхоналар раҳбарларига нисбатан қаттиқ чоралар кўриш лозим (282—283-бетлар).

*Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.  
Т.8-Т.: Ўзбекистон., 2000. 272—291-б.*

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР  
ТАШКИЛОТИ БОШ  
АССАМБЛЕЯСИДА 2000 ЙИЛ  
СЕНТЯБРДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН**

Минтақавий муаммолар мажмуига эътибор қаратилар экан, экологик хавфсизлик ва атроф муҳит масалаларини четлаб ўтиш мумкин эмас.

Мен БМТ ва бошқа халқаро анжуманлар минбаридан Орол денгизи ҳавзаси муаммолари тўғрисида бир неча бор гапирганман. Орол муаммоси Марказий Осиё ҳудуди доирасидан чиқиб кетди ва жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда иқлим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгаришида, аҳоли саломатлиги ва бўлғуси авлод генофондига таъсирида кўриш мумкин.

Орол денгизининг фалокати Европа учун, сайёрамизнинг бошқа ҳудудлари учун қандай хатарли ва кутилмаган оқибатларни юзага келтириши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Ушбу муаммога бифарқлик қандай натижаларга олиб келиши барчага аён.



Экологик хавфсизлик соҳасидаги халқ-аро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф қиламан (110—111-бетлар).

*Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.  
Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001, 105—112-б.*

## **ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИДА 2001 ЙИЛ 11 ЯНВАРДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН**

Биз иқтисодиёт ривожини табиий ресурсларни сақлаш, соғлом экологик муҳитни таъминлаш муаммолари билан объектив равишда боғлиқ эканини ҳисобга олмаган ҳақирда бу ҳол қандай фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим (166-б.).

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, иқтисодиётимизнинг бундай ривожини ташкил қилишда ва белгиланган пировард натижа-

ларга эришиш учун, барча номутаносибликлар ва инқироз жараёнларига йўл қўймаслик учун, аввало, маълум макроиқтисодий принципларга, монетар сиёсатнинг зарур ва муҳим қонуниятларига қатъий амал қилиш даркор (166—167-б).

*Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.  
Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001, 158—185-б.*

## **ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

*(Жиззах халқ депутатлари вилоят  
кенгашининг навбатдан ташқари  
сессиясида 2001 йил 14 сентябрда  
сўзлаган нутқидан)*

Эскидан, ота-боболаримиздан қолган бир нақл борки, у ҳақда бугун гапирмасак бўлмайди. "Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқад" деган ҳикмат барчамизга маълум.

Бугун қишлоқ хўжалик соҳаси тақдири-ни ҳал қилувчи масалалардан энг муҳими — бу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласидир.

Вилоятда жами 300 минг гектар суғориладиган ер майдони бор. Вилоятнинг қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ажратиладиган сув миқдори етишмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Жорий йилда вужудга келган қурғоқчилик туфайли сувга эҳтиёж баъзи туманларда бор-йўғи 70—80 фоизга қопланди.

Бу вазиятни енгиллаштиринг мақсалида Жиззахдаги 3-магистраль канали реконструкция қилиниб, унинг сув ўтказиш имконияти оширилди ва Жиззах сув омборига қўшимча сув тўплаш мумкин бўлди. Бу 2002 йилда 30 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминотини яхшилаш имконини беради. Ҳукумат қарори билан Арнасойда сув омбори қурилиши олиб борилмоқда. Бу йирик сув ҳавзаси умумий майдони 40 минг гектарни ташкил этадиган Мирзачўл, Арнасой ва Фориш туманларидаги экин майдонларини суғоришни яхшилашга хизмат қилади. Вилоят қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилаш учун 213 километрлик Зомин сув омбори ҳавзаси ва Зарафшон дарёсидан тортиладиган сув ўтказиш тармоғи қурилишини жадаллаштириш даркор.

Лекин амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан бир қаторда вилоятда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, сув сарфини назорат қилиш масаласига жиддий эътибор бериш лозим.

Қишлоқ хўжалигида янгича ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш, бу муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, жумладан, тузилаётган шартномалар ва уларга риоя қилиш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтамиз (85—86-бетлар).

*Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.  
Т. 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.81—90-б.*

## **ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИДАН**

***(2001 йил 31 декабрь)***

Ўз кучимиз ва қудратимизга, ақл-заковатимизга суянган ва таянган ҳолда, ер ости ва усти бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, ўз режаларимизни белгилашимиз ва ҳар доим шулар ҳисобидан келажагимизни кўришимиз ва қуришимиз табиий (175-бет).

*Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.  
Т. 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.172—176-б.*

**ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ  
БАРҚАРОР ЎСИШINI  
ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА**

*(Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш  
мажлисида 2002 йил 11 январда  
сўзлаган нутқидан)*

Биз иқтисодиёт ривожини табиий ресурсларни сақлаш, соғлом экологик муҳитни таъминлаш муаммолари билан объектив равишда боғлиқ эканини ҳисобга олмаган тақдирда бу ҳол қандай фожиага олиб келиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим («Халқ сўзи», 2002 йил 12 январь).

**ИҚТИСОДИЁТНИ  
ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН  
ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН  
ФОЙДАЛАНИШ — БОШ ЙЎЛИМИЗ**

*(Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида 2002  
йил 14 февралда сўзлаган нутқидан)*

Барча-барча муаммолар қаторида муҳим бир масалага алоҳида эътиборимизни қара-

тишга бизни бугун ҳаётнинг ўзи мажбур қилмоқда.

Гап, аввало, мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш устида бормоқда.

Гап, биринчи галда, табиатнинг бебаҳо нсъматини — халқимизнинг бойлигини бўлмиш экин экиладиган ерлардан, суғориш ва ичимлик сувидан, ёқилғи-энергетика, минерал-хом ашё ва бошқа ресурслардан тўғри ва асраб-авайлаб фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Юртимизга ташриф буюрган, бизнинг ресурсларни тежаш масаласига бўлган бе-парво муносабатимизни кўрган чет эллик ҳамкорларимизнинг "Сизлар дунёнинг энг бой мамлакатада яшар экансиз" деганига кўп бор гувоҳ бўламиз. Уларнинг бу борада нечоғли ҳақ эканликларини инкор этиб бўлмайди. Чунки улар ҳатто энг бой ва гуллаб-яшнаётган мамлакатлар ҳам ресурсларга нисбатан бу қадар масъулиятсизликка, бу қадар исрофгарчиликка йўл қўймаслигини яхши билишади.

Айниқса, фақат ўзини, бугунги кунини эмас, келгуси авлодларини ҳам ўйлайди-

ган мамлакатлар бундай ҳолатга асло йўл қўймайди.

Мисол учун, энг бебаҳо бойлигимиз — ердан фойдаланишни олайлик. Шу нарса барчамизга яхши маълум бўлиши керакки, биздаги ўта оғир сув тақчиллиги шароитида Ўзбекистон ерларининг фақатгина 10 фоизидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Мамлакатимиз аҳолиси асосий қисмининг даромади ва фаровонлиги мана шу ердан самарали фойдалана олишимизга, унинг ҳосилдорлигини қай даражада сақлаб туришимизга боғлиқ эканини англаган ҳолда бу муаммо нақадар муҳим эканини тушунишимиз қийин эмас, деб ўйлайман.

Сўнгги пайтларда ўтказилган текширувлар натижасида ердан фойдаланиш масаласида тоқат қилиб бўлмайдиган хўжасизлик фактлари, ер ҳақидаги қонунчиликни қўпол равишда бузиш ҳолатлари аниқланди.

Қанчадан-қанча ерлар, энг аввало, сугориладиган экинзорлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Кўплаб дала

майдонлари ҳар йили турли баҳонаю сабаблар билан экилмай қолмоқда. Ер майдонларидан белгиланган мақсадларга зид равишда ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳолатлари, минг афсуски, ҳар қадамда учраб турибди.

Бизни боқадиган, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерга нисбатан бундай ноинсофларча муносабат қандай нохуш оқибатларга олиб келишини англаш учун, ўйлайманки, мутахассис бўлиш шарт эмас. Бунинг устига, қанча-қанча ерларни шўр босаётганини, кўп майдонлар зах ерларга, ботқоққа айланиб бораётганини барчамиз яхши биламиз.

Бизнинг яна бир бебаҳо бойлигимиз — сув эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Буни сўнгги икки-уч йил давомида мамлакатимиз бошига тушган, қишлоқ хўжалигига, бутун иқтисодиётимизга жуда катта зарар келтирган қурғоқчилик даврида айниқса яққол ҳис этдик.

Шунинг учун ҳам ерларни суғоришга яроқли сувдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишга, суғориш ва ирригациянинг замонавий тизимларини жорий қилишга,



сувдан фойдаланиш интизомини кучайтиришга, бу борада яхши натижаларга эришадиганларни эса рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ниҳоятда зарур эканини ва бу масала орқага суриб бўлмайдиган муаммога айланиб бораётганини тушуниш мушкул эмас.

Айни пайтда сувдан хўжасизларча, айтиш лозимки, жинояткорона, назоратсиз фойдаланиш билан боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолатга, суғоришга яроқли сувни коллектор-дренаж тармоқларига оқизиб юбориш фактларига қатъийлик билан барҳам беришимиз лозим.

Энди, ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, ҳар томчи сув олтинга тенг бўлиб турган бир пайтда кўплаб вилоятларда сувдан фойдаланиш коэффиценти тушиб кетганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Алоҳида эътиборимизни талаб қиладиган яна бир масала борки, у ҳам бўлса ичимлик сувни тежаш масаласидир. Яқин йиллар ичидаёқ бу масала энг кескин муаммолардан бирига айланиши, ичимлик суви эса энг ноёб ва қимматбаҳо табиий ресурс бўлиб қолиши мумкин.

Биз ҳозирнинг ўзидаёқ бутун-бутун минтақаларда, хусусан, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро вилоятларида, Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятларининг айрим туманларида сифатли ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдамиз.

Айни пайтда, қатор ҳудудлар сифатли ичимлик сувига катта эҳтиёж сезаётганига қарамай, сувни исроф қилиш ва ундан назоратсиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўп.

Бу масала ўрганилганда, аҳоли томонидан сув сарфлашнинг амалдаги миқдори белгиланган меъёрлардан 2—3 баробар ортиқ экани аён бўлди.

Корхоналарда, автомобиль ювиш шохобчаларида ичимлик сувидан техник мақсадларда фойдаланиш каби беъмани одатларга ҳанузгача чек қўйилмаяпти. Бундан ташқари, айрим шаҳарлар ва туман марказларида суғориш шохобчалари йўқлиги, мавжуд ариқларнинг эса кўмиб ташлангани туфайли ёз мавсумида аҳоли водопровод сувидан суғориш мақсадлари учун фойдаланмоқда.

Шу билан бирга, ичимлик суви сарфланишини ҳисобга олувчи мосламаларни-

ўлчагичларни ўрнатиш ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда.

Энергетика ресурсларидан, биринчи галда табиий газдан фойдаланиш аҳволини ҳам мен мутлақо қониқарсиз, деб ҳисоблайман.

Ҳозирга қадар табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва етказиб беришда сезиларли техник йўқотишларга йўл қўйилмоқда. Бошқа турдаги энергетика ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда, газдан электр энергияси ҳосил қилиш учун фойдаланилаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Шуни афсус билан айтиш керакки, истеъмолчиларнинг ўзи, энг аввало, саноат корхоналари ҳам газдан тежамкорлик билан фойдаланмаяптилар.

*Хавфсизлик ва тинчлик  
учун курашмоқ керак.  
Т.10.-Т.: Ўзбекистон,  
2002.316—329-б.*

**РАҲБАР, ЕТАКЧИ ЎЗИ ЁНИБ,  
ЎЗГАЛАРНИ ҲАМ ЁНДИРИБ  
ЯШАШИ КЕРАК**

*(Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят  
кенгашининг навбатдан ташқари  
сессиясида 2002 йил 21 февралда  
сўзлаган нутқидан)*

Холисона айтганда, Сурхондарё еридек унумдор ер камдан-кам топилади. Бу ерда нима ўсмайди ўзи? Таъбир жоиз бўлса, бу саховатли тупроққа чўпон таёғини қадаб қўйса ҳам кўкариб кетади.

Кучли шўрланган ерлар ҳам, мамлакат миқёсида олиб қаралганда, ушбу вилоятда энг кам бўлиб, суғориладиган майдонларнинг атиги 1 фоизини ташкил этади (233—234-бетлар).

*Хавфсизлик ва тинчлик  
учун курашмоқ керак.  
Т.10.-Т.: Ўзбекистон,  
2002.231—246-б.*

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИНИНГ  
САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ,  
ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЯНАДА  
ЯХШИЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА**

*(Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги  
Кенгесининг навбатдан ташқари  
сессиясида 2002 йил 2 майда  
сўзлаган нутқидан)*

Кўпчилик қаторида қорақалпоқ халқи Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган экологик офат туфайли вужудга келган оғир ва мураккаб бир шароитда ҳам эртанги кунга ишонч ва умидлар билан ҳаёт кечирмоқда.

Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, туғилиб ўсган ерига меҳр қўйиш, шу туйғуни ўз фарзандларига, ниҳол каби ўсиб келаётган ёш авлод қалбига сингдириш, ўз она юрти билан ғурурланиш ва қадр-қимматини, бошини баланд тутиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган кайфият билан мана шундай оғир бир шароитда кун кечириб, яшаш, ҳақиқатан ҳам, шу тупроқда истиқомат қилаётган одамлардан қандай катта чидам, мардлик ва матонат талаб қилади.

Шуни фахр билан айтиш зарурки, қорақалпоқ халқининг табиатида ана шундай юксак фазилатлар азалдан мужассам бўлиб келади.

Ҳозир ҳам кечагидак эсимда, мен 1989 йилнинг ёзида мамлакат раҳбари сифатида эндигина иш бошлаган кунларимда бу ердаги ҳақиқий ҳол-аҳволни атрофлича билиш, одамлардан кўнгил сўраш, биринчи галда ҳал этиш лозим бўлган ҳаётий масалаларни аниқлаш мақсадида дастлаб Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига келган эдим.

Айтиш керакки, ўшанда юртимиз қалтис ва мураккаб даврни бошидан кечириётган эди. Бир томондан — Фарғона фожиалари, яна бир томондан — қишлоқларимиздаги ачинарли аҳвол, бир ёқда — Ўш-Ўзган воқеалари, буларнинг барчаси елкамизда оғир юк бўлиб, бизни қаттиқ ташвишга солиб турар эди.

Биз ана шундай мушкул бир вазиятда босиқлик билан иш тутиб, муаммоларнинг тўғри ечимини топишга ҳаракат қилдик.

Шароит ўта кескин бўлишига қарамай, ўша пайтдаёқ Оролбўйи муаммосига алоҳи-

да эътибор берганимиз туфайли вазиятнинг янада хатарли тус олишига йўл қўймадик.

Айниқса, ушбу минтақада дарахтзор худудлар яратиш, пахта яккаҳоқимлигини чеклаб, одамларга томорқа бериш, Устюрт коллекторларини таъмирлаш, 220 та тоза сув чиқарадиган қурилма барпо этиш каби кўп-кўп тадбирлар ўша кезларда бошланган ижобий ишларимизнинг дебочаси бўлган эди.

Ўша пайтларда собиқ Иттифоқ раҳбарияти ва жаҳон жамоатчилиги эътиборини Орол фожиасига қаратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам халқимизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Аммо ўша даврда собиқ СССР Олий Советининг бу масала бўйича юзаки, қуруқ декларациядан иборат қарорини айтмасак, бу борада бошқа бирон-бир амалий қадам қўйилмаган эди (349-350-бетлар).

Лекин ўша 1989 йилда бу минтақанинг нечоғли оғир аҳволга тушганини, Оролнинг қуриши билан нафақат одамлар, балки ернинг ўзи ҳам нақадар эзилганини кўриб, елкамга қандай катта ва оғир юк тушганини яна ва яна бир бор сезганман (351-бет).

Мана шундай ҳиссиёт билан мен турли катта минбарлардан — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бўладими, Европа ёки Осиёдаги нуфузли анжуманлар бўладими — уларнинг барчасида Орол фожиаси ҳақида бонг уриб, эй одамзот, кўринглар, англандлар, бизнинг бошимизга тушган офатга эътибор қаратинглар, акс ҳолда, бу фалокат эртага умумбашарий тус олиб, сизларнинг бошингизга ҳам тушиши мумкин, шунинг учун бу масалада амалий ёрдам беринглар, деб қайта-қайта қилган даъватларимни жамоатчилигимиз, халқимиз яхши билади.

Расмий маъруза эмас, балки қалб нидоси бўлган бу сўзларни мен наинки Тошкентда ўтирган раҳбар сифатида, балки қорақалпоқ диёрининг бир вакили сифатида айтганимни эслаш бугун ҳам ортиқча бўлмас.

Бундай даъват ва ҳаракатлар ҳали-бери амалда ўзининг тўла аксини топмаган бўлса-да, битта масалада биз маълум натижаларга эришдик.

Яъни, дунё ҳамжамияти, аввало, халқаро ташкилотлар, ипсонпарварлик фаоли-



яти билан шуғулланадиган ташкилотларга бугун Орол фожиаси тўғрисида ортиқча тушунтириш, қўшимча маълумот беришга ҳожат қолмади.

Бу масала ҳозирги кунда халқаро майдонда дунё миқёсидаги катта фожа, оғир муаммо бўлиб кун тартибига қўйилмоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, экология масалалари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар ушбу муаммонинг ечимини топиш тўғрисида бош қотираётгани — бу ҳам маълум даражада бизнинг ютуғимиздир.

Бу борада узоққа бормасдан, битта мисол келтириш мумкин.

Яқинда бизнинг юртимизга ташриф буюрган Жаҳон банки раҳбарининг, шунингдек, бошқа хорижий давлат ва сиёсат арбобларининг Оролбўйига келиб, бу ердаги аҳвол билан яқиндан танишганлари ҳам эртага бу масалада олға силжиш, амалий натижалар бўлишига умид уйғотади.

Бугунги кунда барчамиз яхши тушунамизки, Орол ҳавзасини сув билан тўлдириш — бу ўта оғир масала.

Лекин шундай пайтда Оролбўйи ҳудудида яшаётган одамларнинг аҳволини яхшилаш, авваламбор, уларнинг соғлиғини асраш, насл-насабини баъзи офатлардан сақлаш, бу ердаги ижтимоий вазиятни ўнглаш борасида амалий ишларни бажариш, бунга керакли маблағ ва имкониятларни топиш ва шу мақсадга йўналтириш — бугунги кундаги энг долзарб, четга суриб бўлмайдиган вазифадир.

Авваламбор, биз оналар ва болалар, кексаларга имкон борича шароит туғдириб бериш, табиий мувозанатни тиклаш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, туғилаётган чақалоқларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш каби долзарб муаммоларни ечишга кўмаклашиш — дунёдаги ўзини чин инсон деб биладиган ҳар бир одам учун ҳам қарз, ҳам фарз деб қабул қилишга даъват этамиз (349—353-бетлар).

*Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.  
Т. 10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.348—368-бетлар.*

# ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ- ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН

*(2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида  
Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантириш юзасидан устувор  
вазифалар ва тоншириқларнинг  
бажарилиши ҳамда долзарб  
муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги  
2002 йил 18 июлдаги маърузадан)*

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошида бўлиб ўтган мажлисида кўтарилган ўта муҳим, ҳал қилувчи бир масала бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Гап энг муҳим моддий ва табиий ресурсларни асраб-авайлаш, улардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, агар ўтган йили сувдан фойдаланиш коэффиценти 0,66 ни ташкил этган бўлса, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида

бу йил ушбу кўрсаткич 0,81 гача ўсди. Бошқача айтганда, бир гектар ерга сарфланадиган сув ҳажми республика бўйича ўрта ҳисобда 200 куб метрга қисқарди.

Сув билан таъминлашни яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш туфайли жорий йилда ўтган йилга нисбатан 463 минг гектар кўп ер суғорилгани ҳам эътиборга молик.

Хўжаликлараро каналлар, коллекторлар ва бошқа суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган топшириқлар ҳам умуман бажарилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича 2010 йилгача мўлжалланган Концепциядастур ишлаб чиқилган. Айни вақтда, текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда сув ва ердан фойдаланиш борасида амалдаги қонунчиликни бузиш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик, табиий ресурсларга хўжасизлик ва исрофгарчилик билан муносабатда бўлиш, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, электр қуввати тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб

олиш, лимит интизомини бузиш каби но-  
хуш ҳоллар ҳамон учраб турибди.

*Хавфсизлик ва тинчлик  
учун курашмоқ керак.  
Т.10.-Т.: Ўзбекистон,  
2002. 397—426-б.*

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	4
Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. (XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзлаган нутқидан) .....	9
«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асаридан .....	10
Ўзбекистон — кслажаги буюк давлат (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида 1992 йил 8 ва 10 декабрда сўзлаган нутқидан) .....	12
Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамла- кати (Швейцариядаги "Форум фонд" халқаро иқтисодий ташкилотининг IV сессиясида 1993 йил 18 июнда сўзлаган нутқидан) .....	15
БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасидан (1993 йил 28 сентябрь).....	16

Дсҳқончилик тараққиёти — фаровонлик маибаи (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида 1997 йил 18 февралда сўзлаган нутқидан) .....	16
Тарихимиз ҳам, келажгимиз ҳам муштарак (Ўзбекистонда Қозоғистон кулларининг очилишига бағишланган таптанали йиғилишда 1994 йил 23 майда сўзлаган нутқидан) .....	17
Барқарор тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик (Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар бошлиқларининг Будапештда бўлиб ўтган конференциясида 1994 йил декабрда сўзлаган нутқидан) .....	18
Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари (1 чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясида 1995 йил 23 февралда сўзлаган нутқидан) .....	20
Минтақавий муаммолардан жаҳоншумул муаммоларга (Дания пойтахти Копенгагендаги халқаро конференцияда 1995 йил 12 мартда сўзлаган нутқидан) .....	21
Маънавий бирлик сари муҳим қадам (Бишкекда туркий тилли давлат бошлиқларининг учрашувида 1995 йил августда сўзлаган нутқидан) .....	23

«Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асаридан .....	24
Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан Бош ассамблеянинг махсус таптанали йиғилишида 1995 йил 24 октябрда сўзлаган нутқидан) .....	26
Мақсадимиз – тишчлик, барқарорлик, ҳамкорлик (Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига 1995 йил 7 октябрда берган жавобидан) .....	27
Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди(ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида 1996 йил 24 апрелда сўзлаган нутқидан) .....	30
Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз (А.Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференцияда 1996 йил 24 октябрдаги маърузасидан) .....	32
Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби (Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида 1996 йил 28 октябрда сўзлаган нутқидан) .....	33
«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридан .....	34



Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўкин ҳаёт манбаи (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х сессиясида 1997 йил 25 декабрда сўзлаган нутқидан) .....	73
Қонуналаримиз деҳқон манфаатларига хизмат қилсин (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида 1998 йил 30 апрелда сўзлаган нутқидан) .....	76
Туркий тилли давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашувида 1998 йил 9 июнда сўзлаган нутқидан .....	79
ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг яқунловчи мажлисида 1998 йил 6 ноябрда сўзлаган нутқидан .....	80
Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт! (Вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда 1998 йил 23 декабрда сўзлаган нутқидан) .....	82
Мен ўзимни нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан.(Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари вакиллари билан учрашувда 1999 йил 2 декабрда сўзлаган нутқидан) .....	84

Жиззах халқининг қалбида ва дилида (Жиззах вилоятн сайловчилари вакиллари билан учрашувда 1999 йил 9 декабрда сўзлаган нутқидан) .....	88
Мақсадимиз — Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш (Бухоро вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда 1999 йил 15 декабрда сўзлаган нутқидан) .....	89
Фурури тоғларидек баланд, яратувчилик салоҳияти юксак халқ (Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашувда 1999 йил 25 декабрда сўзлаган нутқидан) .....	92
Энг катта бойлигимиз — мамлакатимиздаги тиичлик, миллатлар ва фуқаролар тотувлигини кўз қорачиғидай асрайлик (Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда 1999 йил 29 декабрда сўзлаган нутқидан) .....	94
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясида 2000 йил сентябрда сўзлаган нутқидан .....	96
Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида 2001 йил 11 январда сўзлаган нутқидан .....	97
Ислоҳотлар изчиллиги — тараққиётимизнинг муҳим омили (Жиззах халқ депутатлари вилоят	

- кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида  
2001 йил 14 сентябрда сўзлаган нутқидан) .... 98
- Ўзбекистон халқига янги йил табригидан  
(2001 йил 31 декабрь) ..... 100
- Халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини  
таъминлаш — устувор вазифа (Идоралараро  
мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида  
2002 йил 11 январда сўзлаган нутқидан) ..... 101
- Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан  
тежамкорлик билан фойдаланиш — бош  
йўлимиз (Вазирлар Маҳкамаси йўналишида  
2002 йил 14 февралда сўзлаган нутқидан) ... 101
- Раҳбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб  
яшаши керак (Халқ депутатлари Сурхондарё  
вилоят кенгашинининг навбатдан ташқари  
сессиясида 2002 йил 21 февралда  
сўзлаган нутқидан) ..... 108
- Қорақалпоқ диёрининг салоҳиятини рўёбга  
чиқариш, одамлар ҳаётини янада яхшилаш —  
долзарб вазифа (Қорақалпоғистон Республи-  
каси Жўқорғи Кенгасининг навбатдан ташқари  
сессиясида 2002 йил 2 майда сўзлаган  
нутқидан) ..... 109
- Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан  
яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин

(2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида  
Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш  
юзасидан устувор вазифалар ва топшириқлар-  
нинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг  
ҳал этилиши тўғрисидаги 2002 йил  
18 июлдаги маърузада) ..... 115

# ЭКОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

*(Президент Ислам Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши)*

Бадий муҳаррир *Т. Қаноатов*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусахҳиҳлар *Ш. Мақсудова, М. Раҳимбекова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Теринга берилди 29.09.02. Босишга рухсат этилди  
22.10.02. Қоғоз бичими 70x901/32, «Таймс» гарнитурасида офсет босма усулида босилди. Шартли босма т. 4,68. Нашр т. 3,19. 1000 нусхада чоп этилди. Буюртма № 349. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент.  
Навоний кўчаси, 30. Нашр № 110-2002.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий  
уйи. 700128. Тошкент, У. Юсупов кучаси, 86.

20.1 **Экология ва ҳаёт.** (Президент Ислом Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши). Тузувчилар: А.Н. Нигматов, Р.Н. Султонов; масъул муҳаррир: М.Ҳ. Рустамбоев.— Т.: «Ўзбекистон», 2002.—128 б.

ISBN 5-640-03160-3

ББК 20.1

э 1903040000 - 94 - 2002  
М351(04)2002